

Н.Узоқов, Г.Эркаева, М.Раимова

**“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”
ФАНИДАН**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

“Насаф” нашриёти 2010

**“Сиёсий мустақиллик ривожланган ўзаро мутаносиб,
тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан,
у бори-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў
орттириш воситасига айланиб қолаверади”**

Ислом Каримов

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. И.Рўзиев,
и.ф.д., проф. А.Хуррамов

Такризчилар: и.ф.н., доц. Э.Остонов,
катта ўқитувчи Ж.Қосимов

Муҳаррир:

Ўқув-услубий қўлланма ҚарДУнинг “Иқтисодиёт
назарияси” кафедраси йиғилишининг 2010 йил
29 августдаги қарори билан нашрга тавсия қилинган.

КИРИШ

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиётимизда туб ижобий ўзгаришларга эришилмоқда.

Ишлаб чиқаришга илғор-фан ва техника янгиликлари, инновацияларни жорий қилиши ҳамда капитални диверсификация қилиниши мустаҳкам иқтисодий базани яратишга кафолат бермоқда.

Тўлақонли иқтисодиёт бугунги, эртанги ва келажакдаги тараққиётимиз ҳамда турмушимиз фаровонлигининг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган ихтисосли, мутахассис кадрлар олган назарий билимларини амалиётда қўллашлари орқали тўла-тўқис мустаҳкам иқтисодни яратиш ва унинг барқарорлигини таъминлашда бевосита иштирок этадилар. Шу сабабли Олий ўқув муассасаларида “Иқтисодиёт назарияси” фанидан талабаларнинг назарий ва амалий билимлар эгаллашларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Олий таълим муассасаларида ноиқтисодий таълим йўналишлари “Иқтисодиёт назарияси”ни 72 соат ҳажмда, жумладан, 36 соат маъруза, 36 соат амалий машғулот тарзида ўтилади. Фанни ўрганиш ва ўзлаштиришда ўқитишнинг илғор ва замонавий интерактив усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни қўллаш аҳамиятлидир.

Мазкур ўқув-услугий қўлланма амалий машғулот-семинар дарслар учун мўлжаллангандир. Амалий машғулот мавзулари 4 бўлимга бириктирилиб, 1-бўлим “Иқтисодий тараққиётнинг умумий асослари”, 2-бўлим “Бозор иқтисодиёти назарияси”, 3-бўлим “Миллий иқтисодиёт (макроиқтисодиёт)нинг амал қилиши”, 4-бўлим “Жаҳон хўжалиги” деб номланади.

Талаба билимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади ва унинг асосий мезонлари қуйида келтирилади.

86-100 балл тўплай олиш учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: хулоса ва қарор қабул қилиш; ижодий фикрлай олиш; мустақил мушоҳада юрита олиш; моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш; тасаввурга эга бўлиш.

71-85 балл тўплай олиш учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: мустақил мушоҳада юрита олиш; олган билимларни амалда қўллай олиш; моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш; тасаввурга эга бўлиш.

56-70 балл тўплай олиш учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим: моҳиятини тушуниш; билиш, айтиб бериш; тасаввурга эга бўлишлик.

Фан мавзулари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, билмаслик ҳолларида талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланади.

Мазкур ўқув-услугий қўлланмаси олий таълимнинг бакалавр йўналишидаги талабаларга мўлжалланган ва ундан академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳамда иқтисодиётни ўрганишга қизиққан кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР
МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ СОАТЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМОТИ
ЖАДВАЛИ**

т/р	Бўлим ва мавзулар	Жами	Мавзу- маъруза	Семинар (амалий машғулоти)
I БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ				
1	1-мавзу. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш усуллари	4	2	2
2	2-мавзу. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари	4	2	2
3	3-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари	4	2	2
4	4-мавзу. Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилишининг асосидир	4	2	2
II БЎЛИМ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ				
5	5-мавзу. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши	4	2	2
6	6-мавзу. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари	4	2	2
7	7-мавзу. Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати. Ялпи талаб ва ялпи таклиф	4	2	2
8	8-мавзу. Рақобат ва монополия. Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари	8	4	4
9	9-мавзу. Тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши. Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси. Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари.	4	2	2
10	10-мавзу. Аграр муносабатлар ва агробизнес	4	2	2
III БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОДИЁТ)НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ				
11	11-мавзу. Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчмлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари. Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар.	4	2	2
12	12-мавзу. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик.	4	2	2
13	13-мавзу. Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари, мувозанати ва циклли ривожланиш тавсифи. Ялпи ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик.	4	2	2
14	14-мавзу. Молия тизими ва молиявий сиёсат. Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли.	8	4	4
15	15-мавзу. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли. Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати.	4	2	2
IV БЎЛИМ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ				
16	16-мавзу. Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси. Жаҳон бозори. Халқаро валюта ва кредит муносабатлари. Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши.	4	2	2
	Жами	72	36	36

Мавзу: ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БОШ МАСАЛАСИ

(маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

Маъруза мақсади: Тингловчиларда “Иқтисодиёт назарияси”ни фан сифатида шаклланиши зарурияти, босқичлари, турли иқтисодий йўналишлар, иқтисодий категориялар ва қонунларнинг амал қилиши, иқтисодиётнинг бош масаласи ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилинади.

Амалий машғулот мақсади: Иқтисодий тушунчалар, иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг амал қилиш механизмлари мазмуни ва моҳияти ҳақидаги билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

Режа:

1. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи.
2. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши.
3. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари.
4. Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар).

Талаба мустақил иши:

1. Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг усуллари.
2. Ҳозирги даврдаги янги иқтисодий ғоялар ва уларнинг асосий йўналишлари.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодиёт – жамият ихтиёридаги мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш қонуниятлари.

Иқтисодий фаолият - бу кишиларнинг ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол фазаларидаги иқтисодий муносабатлари.

Меркантилизм – бойликнинг манбаи савдодан иборат эканлиги ҳақидаги таълимот. “Меркантил” сўзининг маъноси “пулик” деган тушунчани билдириб, унинг таълимотчилари бойликни фақат пулга тенглаштирганлар.

Физиократия – бойликнинг манбаи фақат қишлоқ хўжалигидаги меҳнатдан ҳосил бўлади деган таълимот.

Монетаризм – бу иқтисодиётни пулларни бошқариш орқали барқарорлаштириш назарияси.

Неолиберализм – иқтисодиётга давлатнинг аралашувини чеклаш тўғрисидаги назария.

Маржинализм – иқтисодий жараёнларни ва ҳодисаларни тадқиқ қилишда меъёрий ўлчамлардан фойдаланиш тўғрисидаги услубий тамойиллардан бири.

Кейнсчилик - бу иқтисодиётни мувозанатга келтиришда давлатнинг аралашувини маъқуллайдиган таълимот.

Таҳлил услублари – фан ёки таълимотни ўрганишда қўлланиладиган йўллар.

Иқтисодий ресурслар – мамлакат ихтиёридаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларида қўлланиладиган барча воситалар, имкониятлар ва манбалар тўплами.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети – иқтисодий ресурслар чекланган шароитида жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириб бориш мақсадида моддий, номоддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва уларни истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизимини, ижтимоий ҳўжаликни самарали юритиш қонун-қоидаларини ўрганиш.

Иқтисодий қонунлар – иқтисодий жараёнларнинг турли томонларини, иқтисодий ҳодисалар ўртасидаги такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибатларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалаб беради.

Иқтисодий категориялар – иқтисодий ҳаётда доимо такрорланиб турадиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг айрим томонларини ифодаловчи илмий мантиқий тушунчалар.

Услугият – иқтисодий жараёнларни илмий назарий билишнинг тамойиллари, йўллари, қонун-қоидалари тизими.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Иқтисодий билимларнинг шаклланишини ва ривожланиш босқичларини тушунтириб беринг.
2. Сиёсий иқтисод фанининг вужудга келиши ва уни иқтисодиёт назариясига айланиш сабаблари нимада?
3. Ҳозирги замон иқтисодий назарияларининг асосий йўналишлари ва уларнинг моҳиятини ифодаланг.
4. Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг бош масаласига таъриф беринг.
5. Иқтисодиёт назариясининг предмети ва вазифалари нима?
6. Фаннинг предмети тўғрисидаги қайндай қарашлар мавжуд?
7. Эҳтиёж ва ресурсларга таъриф беринг.
8. Иқтисодий фаолиятга тушунча беринг.
9. Иқтисодий категория ва қонунларни мисоллар асосида тушунтириб беринг.
10. Иқтисодиёт назариясининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқасини изоҳлаб беринг.
11. Иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?
12. Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт нима?
13. Ҳозирги замон иқтисодий қарашларнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Тест саволлари:

1. Марказий Осиёда яшаб ўтган қайси мутаффақир асарларида иқтисодий ғоялар ўз аксини топган?
А) Фөробий, Ибн Сино.
Б) А.Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб.
С) А.Навоий, А.Темур.
Д) юқоридагиларнинг барчасини асарларида.
2. Иқтисодий назариянинг қайси оқимида савдо-сотиқ ва асосан ташқи савдо барча бойликларнинг манбаи деб ҳисобланган?
А) меркантилизм.

Б) кейнсчилик.

С) монетаризм.

Д) физократлар.

3. Иқтисодиёт назарияси фанларнинг қандай гуруҳига киради?

А) иқтисодий фанлар.

Б) ижтимоий фанлар.

С) ижтимоий-гуманитар фанлар.

Д) сиёсий фанлар.

4. “Иқтисодиёт назарияси” иқтисодий жараёнларни қандай кетма-кетликда ўрганади?

А) истеъмол, айирбошлаш, тақсимот, ишлаб чиқариш.

Б) ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол.

С) тақсимот, ишлаб чиқариш, истеъмол, айирбошлаш.

Д) ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол.

5. Чекланган ресурслар билан чексиз эҳтиёжларни тўлароқ қондириб боришга қандай эришилади?

А) эҳтиёжларни қондиришнинг мақбул даражасини аниқлаш.


Б) чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш.

С) ресурсларни самарали тақсимлаш.

Д) юқоридаги барча йўллар билан.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:

Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.





Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ҳамда иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

Иқтисодиётнинг асосий муаммоси – бу иқтисодий ресурслар чекланган шароитида жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қандай қилиб тўлароқ қондириб бориш мумкинлиги тўғрисидаги масалалар.

“Иқтисодиёт назарияси” фан сифатида шаклланиш жараёнида вужудга келган асосий оқимлар

Меркантилизм – жамиятнинг бойлиги пулдан, олтиндан иборат бўлиб, у савдода, “асосан ташқи савдода пайдо бўлади ва кўпаяди”, деб тушунирилади. Меркантилизм – италянча “мерканте” сўзидан олинган бўлиб, “савдогар” маъносини англатади. Бу оқимнинг намоёндалари: Вил Шаффорд, Томас Мен, Антуан Монкретьен, Гаспар Скаруффи ва бошқалар.

Физиокартлар – жамиятнинг бойлиги қишлоқ хўжалигида вужудга келади деган ғояни илгари сурадилар. Бу таълимотнинг асосчиси: Франсуа Кене (1694-1774 й.й.) ҳисобланади.

Классик сиёсий иқтисод – бойлик фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳам яратилишини исботлаб берди. Асосчилари: У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Сисмонди, А.Сен-Симон, Шарл Фуле, Роберт Оуен ва бошқалар.

Иқтисодиёт назариясидаги янги ечимлар (XIX аср охири ва XX аср бошлари)

→ **Маржинализм вакиллари (маргинал-кейинги, қўшилган)** – кейинги товар нафлилиги, қўшилган меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориши назарияларини ишлаб чиққан. Кейинги товар нафлилигининг камайиб бориш қонуни бу қонуннинг асосий принципи ҳисобланади. Шунга кўра нарх харажатга боғлиқ бўлмай, кейинги нафлилик асосида белгиланади. Асосчилари: Карл Менгер, Фридрих фон Визер, Эйген фон Вем-Баверк, Уилям Стенли Жевонс ва бошқалар.

→ **Неоклассик мактаб (асосчиси Алфред Маршалл)** бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ралашувини чеклаш ғоясини илгари суради. Бозор механизмнинг бузилиши монополиялар вужудга келганда ҳам юз беришини кўрсатади. Функционал боғланиш ғоясини асослайди, бозор баҳосини белгиловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб ҳисоблайди. Асосчилари: Алфред Маршалл, Л.Валрас, И.Шумпеттер ва бошқалар.

→ **Кейнсчилик** – ривожланган бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиб туриш зарурлигини асослашга қаратилади. Жон Мейнард Кейнс “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (1936 й.) номли китобида бундай тартибга солиш ялпи талабга ҳамда шу орқали инялция ва бандликка таъсир кўрсатишини асослайди.

Неоклассик йўналишда янгидан вужудга келган оқимлар

→ **Неолиберализм** – асосий эътиборни давлатнинг иқтисодиётга аралашувини энг кам даражада келтиришга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш лозимлигини уқтиради. Асосчилари: Ф.Хайек, Шумпетер, Л.Эркард ва бошқалар.

→ **Монетаризм** – иқтисодиётни бошқаришни пул муомаласини тартибга солиш орқали амалга ошириш мумкинлигини асослаб беради. Асосчиси: М.Фридман.

→ **Институционализм** – тарафдорлари фикрига кўра, хўжалик юритувчилар ўртасидаги муносабатлар нафақат иқтисодий балки ноиқтисодий омиллар таъсирида вужудга келади. Шу сабабли, иқтисодиётда муассасавий ўзгаришлар орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Асосчилари: Т.Веблен, Л.Гелбрейт ва бошқалар.

Фаннинг предмети

↓

Иқтисодиёт назарияси иқтисодий ресурслар чекланган шароитида жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида моддий неъматларни (ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қоидаларини ўрганади.

Иқтисодий муносабатлар – бу моддий ва маънавий нсѣматларни ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган турли хил муносабатлардир.

Фаннинг мақсади



Чекланган иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг турли муқобил вариантларидан энг самаралисини топиш орқали жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини тўлароқ қондириб боришнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилишдан иборат.

Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифалари

Илмий билиш вазифаси – иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг туб мазмунини, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишларни, шакл ва мазмун ўрганишларни ўрганишга қартиради.

Услубий вазифаси – бошқа иқтисодий фанлар иқтисодиёт назарияси асослаб берган қонун ва категорияларга таянган ҳолда ўз предметларини ўрганади. Аини вақтда бу фан бошқа фанлар чиқарган хулосаларни назарий жиҳатдан умумлаштиради.

Амалий вазифаси – ҳўжалик юритишнинг оқилона усуллари, асосий қоидаларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилади.


Башорат қилиш вазифаси – жамият ижтимолий-иқтисодий ривожланишнинг истиқболларини илмий асослаб беради.

“Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириши, уларнинг дунёқарашини ўзгариши” (И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. “Ўзбекистон”, 1999, 87-бет) вазифаси иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадларни амалга оширишга хизмат этади.

Иқтисодий қонунлар – иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Иқтисодий категориялар – доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчадир.

Иқтисодий таҳлил услуби – бу илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадисларидир



Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган

мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 28-48 б.
6. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 6-24 б.
7. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 11-25 б.
8. Шодмонов Ш., Алимов Ҳ., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 8-32 б.

Мавзу: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ **(маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)**

Маъруза мақсади: Ишлаб чиқариш ва унинг имкониятлари, муқобил танлов, ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари ва самарадорлик ҳақида тушунча бериш, улар ҳақидаги назарий қарашларни таҳлил қилиш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда ишлаб чиқариш мазмуни, таркибий қисмларини ўрганиш, ишлаб чиқариш омилларини фарқлай олиш, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси ва самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш кўникмаларини шакллантириш

Режа:

1. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркиби.
2. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни.
3. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари.
4. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг чегараси.

Талаба мустақил иши:

1. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари.
2. Соф миллий маҳсулот ва миллий даромад.

Асосий таянч тушунчалар:

Ишчи кучи - меҳнат қилишга яроқли бўлган инсоннинг жисмоний ва ақлий меҳнатининг мажмуи.

Меҳнат предметлари – инсон меҳнати таъсир этадиган, яъни маҳсулот тайёрладиган барча буюмлар ва ашёлар.

Меҳнат қуроллари – бу инсоннинг табиатга, меҳнат предметларига таъсир кўрсатишида қўлланиладиган (ишлатиладиган) воситалар ва жиҳозлар.

Капитал – ўз эгасига даромад келтирадиган товарлар, ишлаб чиқариш воситалари ва пул маблағлари.

Тадбиркорлик – бу инсоннинг яратувчилик фаолияти

Ишлаб чиқариш жараёни – инсонларнинг истеъмолига зарур бўлган моддий ва номоддий неъматлар яратиш.

Ишлаб чиқаришнинг умумий самараси - бу ишлаб чиқаришга сарф қилинган ресурслар харажатлари билан ҳосил қилинган даромадлар ўртасидаги нисбат.

Меҳнат унумдорлиги – муайян вақт бирлигида яратилган маҳсулот ва хизмат миқдори.

Зарурий маҳсулот – бу ишлаб чиқарувчи субъектларнинг (ишчи, хизматчи, деҳқон, фермер ва ҳ.к) зарурий иш вақтида яратган маҳсулоти, уларни ишчи кучини қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотлардан иборат.

Қўшимча маҳсулот - бу ишлаб чиқарувчи субъектларнинг қўшимча иш вақтида яратган маҳсулоти. У соф маҳсулотининг зарурий маҳсулотдан ошиқча қисми бўлиб, тадбиркорларга, мулкдорларга ва давлатга тегишли бўлади.

Ишлаб чиқариш функцияси - бу ишлаб чиқариш омиллари билан уларнинг самараси ўртасидаги боғлиқликдан иборат.

Қўшилган капитал - бу ишлаб чиқаришда банд бўлган капитал миқдорига янги қўшилган капитал ҳажми ёки капитал миқдорининг ўсган қисми.

Ўртача маҳсулот - ишлаб чиқаришга жалб қилинган меҳнат ресурси ва капиталнинг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдори.

Сўнгги қўшилган маҳсулот - сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига кўпайган (ўсган) маҳсулотни билдиради.

Назорат саволлари ва топшириқлари:


1. Ишлаб чиқариш ва унинг омилларини таърифлаб беринг.
2. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки жиҳатини тушунтириб беринг.
3. Ишлаб чиқариш омилларига нималар киради?
4. Капитал нима?
5. Капитал таркибига нималар киради?
6. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини тушунтириб беринг.

7. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари қандай аниқланади?
8. Ишлаб чиқарилган (яратилган) маҳсулотнинг натурал ва қиймат таркибини ифодаланг.
9. Зарурий ва қўшимча маҳсулотни тушунтиринг.
10. Қўшилган меҳнат, қўшилган капитал ва қўшилган маҳсулот тушунчаларини мазмунини тушунтириб беринг.
11. Сўнгги қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориш қонунининг моҳияти нимадан иборат?

Тест саволлари:


1. Қуйидагиларнинг қайси бири ишлаб чиқаришнинг моддий омили ҳисобланади?
А) ишчи кучи.
Б) табиий омиллар.
С) хом ашё, материаллар, бино ва иншоотлар, асбоб ва ускуналар.
Д) тадбиркорлик фаолияти.
2. Иқтисодий фаолиятнинг қайси моддий-ашёвий кўринишдаги натижаларга эришилади?
А) айирбошлашда.
Б) ишлаб чиқаришда.
С) тақсимотда.
Д) истеъмолда.
3. Меҳнат унумдорлиги қандай аниқланади?
А) вақт бирлигида яратилган маҳсулот ҳажми билан:
Б) қанча ресурс сарфлаб қандай натижа олинганлиги билан.
С) сарф-харажатларнинг қопланганлиги билан.
Д) фойданинг кўплиги билан.
4. Қуйидагиларнинг қайси бири ишлаб чиқаришнинг моддий омили ҳисобланмайди?
А) бино ва иншоотлар, машина, асбобва ускуналар.
Б) ишчи кучи.
С) транспорт воситалари.
Д) хомашё ва материаллар.
5. Ишлаб чиқариш омиллари қайси қаторда тўлиқ берилган?
А) ер-сув, капитал.
Б) табиат, ишчи кучи, капитал, тадбиркорлик қобилияти, ахборот (информация).
С) ер-сув, тадбиркорлик, ишчи кучи.
Д) ишчи кучи, капитал, ахборот, табиат.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:




Ишлаб чиқариш – кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ва бойликларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ амалга ошадиган фаолиятдир.


Яратилган маҳсулотнинг ашёвий-буюм шаклига кўра, ишлаб чиқариш қуйидаги турларга ажратилади:



Яратилган маҳсулотнинг истеъмол қилиниш хусусиятига кўра моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам иккига ажратилади:




Ишлаб чиқариш омиллари




Ишлаб чиқаришнинг умумий натижаси – яратилган жами товарлар ва хизматлар, яъни миллий маҳсулотнинг йил давомидаги йиғиндисидир.

Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси – ишлаб чиқариш соҳасидаги ўз ҳаракатини тугатган, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини ё бевосита (истеъмол фонди орқали), ёки билвосита, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш (жамғариш фонди) орқали қондиришга тайёр маҳсулот ҳисобланади.



Яратилган маҳсулотдан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташланса, қолган қисми **соф маҳсулот** дейилади.



Зарурий маҳсулот деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади.

Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида қўшимча меҳнат билан яратилган қисми **қўшимча маҳсулот** дейилади

Иш кунини узайтириш йўли билан олинган қўшимча маҳсулот **абсолют қўшимча маҳсулот** деб, иш куни ўзгармаганда зарурий иш вақтини камайтириб, қўшимча иш вақтини кўпайтириш эвазига олинган қўшимча маҳсулот эса **нисбий қўшимча маҳсулот** деб аталади.

Йил давомида олинган қўшимча маҳсулотлар йиғиндиси қўшимча маҳсулот массаси, унинг зарурий аҳсулотга нисбати эса (фоизда ифодаланиши)
қўшимча маҳсулот нормаси деб юритилади:
$$m' = m / v \times 100\%$$

Ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самаралари ўртасидаги боғлиқлик
ишлаб чиқариш функцияси деб аталади:
$$M = f (E, K, I)$$

Умумий маҳсулот жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш
эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажмидир.
Ўртача маҳсулот деб жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир
бирлигига тўғри келадиган маҳсулотга айтилади:
$$\bar{M} = M / (I, K)$$

Сўнгги қўшилган маҳсулот деб энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи)
эвазига ўсган маҳсулотга айтилади.
Ҳар бир қўшилган омил эвазига олинган қўшилган маҳсулот эса **сўнгги қўшилган омил
унумдорлиги** деб айтилади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги олинган фойданинг (Ф) ишлаб
чиқаришга сарфланган ресурс харажатларига (ИХ) нисбати билан аниқланади:
$$P' = F / IХ \times 100\%$$

Меҳнат унумдорлиги деб ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот
яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истеъмол
қийматининг) сарфланган меҳнат миқдорига нисбати билан белгиланади:
$$MU = M / V$$

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси . “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 24 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 69 б.
7. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 25-41 б.
8. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 42-66 б.
9. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Фан ва технология”, 2005, 34-57 б.

Мавзу: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

Маъруза мақсади: Ижтимоий-иқтисодий тизимлар, уларнинг моделлари ва шакллари, мулк ва мулк шакллари мулкчилик муносабатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда кишилиқ жамияти пайдо бўлган даврдан бошлаб шаклланган ва турли кўринишда амал қилиб келган ижтимоий-иқтисодий тизимлар хусусиятларини ҳамда мулкчилик муносабатлари иштирокчиларини фарқлай олиш билим ва кўникмаларини шакллантиришдир.

Режа:

1. Ижтимоий–иқтисодий тараққиёт босқичлари ва уларни билишга бўлган турлича ёндашувлар.
2. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турли моделлари.
3. Мулкчилик муносабатларнинг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари.
4. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни.

Талаба мустақил иши:

1. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади, йўллари ва усуллари.
2. Аралаш мулк ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодий тизим – бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши.

Ижтимоий-иқтисодий тизим белгилари – ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакли, иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва бошқариш услублари билан ифодаланади.

- **Анъанавий иқтисодиёт** – асосан натурал ва майда товар хўжалиги муносабатлари шаклидаги тизим.
- **Бозор тизими** – бу эркин рақобатга асосланган товар-пул муносабатлари шаклидаги тизим.
- **Режали тизим** – бу ишлаб чиқариш воситаларининг давлат мулкчилигига ва буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими.
- **Аралаш иқтисодиёт тизими** – турли мулкчилик шаклларининг аралашмасидир.

Ишлаб чиқариш усули - бу ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларини бир-бирига қўшилиши.

Ишлаб чиқарувчи кучлар – бу ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситаларини ўзаро бирлигидан иборат.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар – бу инсонларни яшаши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида ҳосил бўладиган иқтисодий алоқалар бирлиги.

Ишлаб чиқаришнинг технологик усули - бу меҳнат воситалари, материаллари, технология, энергия ахборотлари асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули.

Мулкчилик муносабатлари – табиатда мавжуд бўлган нарсаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида ҳосил бўладиган иқтисодий алоқалар мажмуи.

Мулкка эгалик қилиш – мулкдорлик ҳуқуқи бўлиб, амалдаги қонунчилик билан тавсифланади..

Мулкни ўзлаштириш – мулкнинг ўзини ва ундан олинган даромадларни истеъмол қилиш.

Мулкни тасарруф этиш – мулкнинг тақдирини мулк эгасининг ўзи белгилаши.

Мулк объектлари – бу мулк бўлган барча бойлик турлари.

Мулк субъектлари – бу мулк эгалари бўлган барча субъектлари ва уни ўзлаштиришдаги барча иштирокчилар.

Хусусийлаштириш – давлат ихтиёридаги мулкнинг ҳуқуқини хусусий шахсларга берилиши.

Давлат тасарруфидан чиқариш - давлат мулки ҳисобидан бошқа кўринишидаги давлатга қарашли бўлмаган мулк шакллари ҳосил қилиш.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Ижтимоий-иқтисодий тизим деганда нимани ташунилади?
2. Ижтимоий тараққиётни ўрганишга қандай ёндашувларни биласиз?
3. Иқтисодий тизим ва нусхалари ҳамда фарқларини тушунтириб беринг.
4. Мулкчилик ва унинг моҳиятини тушунтиринг.
5. Мулкчиликнинг турли шакллари иқтисодий мазмунини тушунтиринг.
6. Мулк объектлари ва субъектларига таъриф беринг.


7. Бозор иқтисодиётига ўтиш нима сабабдан мулкчиликнинг турли шаклларда бўлишини тақозо этади?
8. Хусусийлаштириш ва унинг босқичларини тушунтириб беринг.
9. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш деганда нимани назарда тутилади?
10. Хусусийлаштиришнинг қандай усуллари бор?

Тест саволлари:

1. Иқтисодий тизим нима?
А) ижтимоий ишлаб чиқариш шаклидир.
Б) ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосидир.
С) жамиятнинг асосий йўналишидир.
Д) юқоридагиларнинг барчаси.
2. Иқтисодий тизимнинг қайси моделида хусусий мулкнинг устунлиги ва бошқаришнинг бозор механизми таъминланади?
А) маъмурий –буйруқбозлик тизими.
Б) анъанавий тизим.
С) аралаш иқтисодиёт.
Д) юқоридагиларнинг барчаси.
3. Мулк объекти тўғри ифодаланган қаторни кўрсатинг:
А) мулкка айланган барча бойликлар:
Б) қимматбаҳо қоғозлар.
С) бино ва иншоотлар.
Д) ер, сув ва конлар.
4. Хусусий мулк тўғри таърифланган қаторни кўрсатинг:
А) ижарага берилган мулк.
Б) ўз эгасига даромад келтирувчи мулк.
С) эгалик ҳуқуқини берувчи мулк.
Д) жамоага тегишли умумий мулк.
5. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг қайси йўли эркин тадбиркорликка кенг имкониятлар очиб бериши мумкин?
А) ҳиссадорлик жамиятига айлантириш.
Б) жамоа мулкига айлантириш.
С) ижарага бериш.
Д) хусусийлаштириш.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:


Иқтисодий тизим – бу ҳар бир давр ва маконда амал қиладиган иқтисодий муносабатлар, иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, ҳўжалик юритиш механизми ва иқтисодий муассасаларнинг ўзаро узвий боғлиқлик асосида таркиб топган яхлит иқтисодий тузилмасидир.



Ишлаб чиқарувчи кучлар – бу ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар билан табиат ўртасидаги боғланишни амалга оширувчи шахсий ва техник-буюмлашган элементлар тизимидан иборат.


Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар – бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардир..

Муайян тараққиёт даражасидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари муайян турининг бирлиги ва ўзаро таъсири **ишлаб чиқариш усулини** ташкил этади.




“Цивилизация” сўзи лотинчада фуқароларга оид, ижтимоий деган маъноларни англатади.


Меҳнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан биргаликда **ишлаб чиқаришнинг технологик усули** дейилади.



Иқтисодий тизим моделлари



Мулкчилик муносабатлари – бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.



Мулкчилик ҳам иқтисодий ва ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади.

Мол-мулк ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилса ва ўз эгасига даромад келтирса, ёки унинг истеъмолини қондиришда хизмат қилса, у иқтисодий муносабатларини ифодалаб, иқтисодий категория сифатида чиқади.

Мулк тадбиркорлик фаолиятининг бирор-бир тури орқали рўёбга чиқарилмаса, яъни иқтисодий фаолиятда фойдаланилмаса, бунда у “ҳуқуқий” категория сифатида қолади.

Мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрларини қуйидагилар белгилаб беради:

- ишлаб чиқариш воситалари ва яратилган моддий неъматларнинг муайян шахсларга тегишли эканлиги;
- мулк эгаларининг қонун билан ҳимояланадиган ваколатлари;
- мол-мулкни ҳимоя қилиш усуллари.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни (эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф етиш) битта мулк шакли доирасида ҳам рўёбга чиқариш усулларига қараб фарқ қилиши мумкин:

Мулкчилик меҳнатга мажбур қилиш йўли билан рўёбга чиқарилса қулдор ёки феодал хусусий мулки вужудга келади.

Мулкчиликни рўёбга чиқариш мулкдорнинг ўз меҳнати ёрдамида амалга оширилса, майда товар ишлаб чиқариш учун характерли хусусий мулк пайдо бўлади.

Мулк объекти ёлланма меҳнатга асосланиб ҳаракатга келтирилса, корпоратив (капиталистик) хусусий мулк пайдо бўлади.

Мулк объектлари – бу мулкка айланган барча бойлик турларидир. Булар:

- ишлаб чиқариш воситалари;
- инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар;
- табiiй бойликлар;
- интеллектуал бойликлар;
- инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти бўлган ишчи кучи ва ҳ.к.

Мулк субъекти – бу мулк муносабатларнинг иштирокчилари, яъни мулк объекти ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштиришда қатнашувчилардир. Улар:

- давлат (турли даражадаги ҳукумат ва бошқарув органи);
- корхоналар, хўжалик бирлашма (уюшма)лари, жамоат ва бошқа ташкилотлар;
- алоҳида кишилар ва оилалар;
- чет элликлар (хорижий фуқаро, ташкилот ва давлатлар).

“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади”.
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2003, 11-бет

Давлат мулки – бунда мулка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш давлат ихтиёрида бўлади. Давлат мулкидан фойдаланиш ҳукуқи кўпинча хўжалик юритувчи субъектларга берилади.

Давлат мулки икки даражада мавжуд бўлади.

Республика мулки – булар ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, республика ҳукумати ва бошқарув тизимлари мол-мулки, авлатга қарашли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари.

Маъмурий-худудий тузилмалар мулки – булар давлат ҳокимияти маҳаллий органлари мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги корхоналари ҳамда бошқа мулкӣ мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари кабилар мол-мулки.

Давлат мулки қуйидаги йўллар билан ҳосил бўлади:

- бошқа мулкларни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш;
- давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар ва бошқа объектлар қуриш;
- давлат корхона ва ташкилотларида инвестицияларни амалга ошириш.

Жамоа мулки – бунда ишлаб чиқариш воситалари ва унинг натижаларини ўзлаштириш жамоа-гурӯҳ ҳолатига эга бўлади. Турлари:

Кооперативлар мулки

Ижара ва жамоа корхоналари мулки

Акционерлик жамиятлари мулки

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари мулки


Жамоат ва диний ташкилотлар мулки

Шахсий мулк – фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Шахсий мулкнинг манбалари:

ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокидан оладиган даромадлари;

ўз хўжалиги (оила, деҳқон) ни юритиш ҳисобига оладиган даромадлари

акциядан келадиган дивиденд



Хусусий мулк – айрим тадбиркорларга қарашли, ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир. Бунда мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳукуки хусусий шахсларга тегишли бўлади.

Аралаш мулк – олинган мулк объектлари ва унинг натижаларини турли мулкдорлар томонидан ўзлаштирилишини билдиради.

Мулкчилик масаласини ҳал қилиш “... бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади” (Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 202-бет.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш – бу давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллари вужудга келтиришдир.

Хусусийлаштириш – бу давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан алоҳида шахсларга ўтишидир.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга бўлган ёндашувнинг хусусиятлари:

- дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилиши;
- мақсадли ва манзилли (адресли) йўналтирилганлиги;
- тўловлилиги.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси . “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 94 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 66 б.
7. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 42-61 б.
8. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 68-89 б.
9. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 63-77 б.

**Мавзу: ТОВАР –ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ
БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИ ВА
АМАЛ ҚИЛИШИНING АСОСИДИР
(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)**

Маъруза мақсади: Натурал хўжалик шакллари, товар хўжалигининг вужудга келиши, товарнинг хусусиятлари, пулнинг пайдо бўлиши ҳақида тушунча бериш.

Амалий машғулот мақсади: талабаларда натурал ва товар маҳсулотини фарқлаш ҳамда товарни фарқлаш бўйича амалий билимларни мустақкамлаш.

Режа:

1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг ривожланиши.
2. Товар ва унинг хусусиятлари.
3. Қийматнинг меҳнат назарияси ва кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси.
4. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари

Талаби мустақил иши:

1. Товар хўжалигининг вужудга келишининг объектив зарурлиги.

Асосий таянч тушунчалар:

Натурал ишлаб чиқариш - бунда меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг ўзини ҳамда ички хўжалик эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилади.

Товар хўжалиги – маҳсулотлар ва хизматларни бозор талаби учун ишлаб чиқариш.

Одий товар хўжалиги – бу деҳқонлар ва ҳунармандлар томонидан яратилган товар ва хизматларнинг ўзаро айирбошланиши.

Ривожланган товар хўжалиги – бу ишлаб чиқариш омилларининг барчасини товарга айланиши, бозор орқали олди-сотди жараёнидан ўтиб, истеъмолни таъминлашни билдиради.

Товар ишлаб чиқариш - бунда товарлар унинг эгасини истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотишга мўлжалланган бўлади.

Товар - бу истеъмол қийматига ва қийматга эга бўлган, айирбошлаш учун яратилган маҳсулот.

Товарнинг истеъмол қиймати (нафлилик) – бу инсонлар эҳтиёжини қондиришдаги нафлилиги, фойдалилигини билдиради.

Товарнинг қиймати (алмашув қиймати) – бир товарни бошқа товарга айирбош қилинадиган миқдорий нисбати.

Конкрет (аниқ) меҳнат – товарни истеъмол қийматини яратувчи инсоннинг жисмоний меҳнати маҳсули.

Абстракт (мавҳум) меҳнат – товарнинг қийматини яратадиган инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятининг сарф қилишидир (абстракт – мавҳум деган маънони билдиради).

Меҳнат интенсивлиги - меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ёки жадаллиги.

Пул - ҳамма турдаги товар ва хизматларни айирбошлашда умумий эквивалентлик ролини бажарувчи махсус товар.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Ижтимоий хўжалик шакллари тушунтириш.
2. Нима учун товар нафлилик (истеъмол қиймати) ва алмашув қийматнинг бирлиги сифатида тавсифланади?
3. Товарнинг икки хил хусусияти нимадан келиб чиқади?

4. Кейинги (сўнги) қўшилган миқдор (товар ва хизмат) нафлиги нима ва унинг пасайиш сабабини тушунтиринг?
5. Товарларнинг қийматини аниқлашга бўлган қуйидагиларга ўзингизни фикрингизни билдириг:
 - а) Ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан белгиланади.
 - б) Кейинги қўшилган товарларнинг нафлиги билан аниқланади.
 - в) Кейинги қўшилган товарларнинг нафлиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади.
6. Пул ҳам товар ҳисобланадими?
7. Пулнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?
8. Иқтисодиётда пул қандай функцияларни бажаради?

Тест саволлари:

1. Товар хўжалигининг вужудга келиши ва ривожланиш шарт-шароитлари нимадан иборат?
 - А) ижтимоий меҳнат тақсимооти.
 - Б) бозорларнинг вужудга келиши.
 - С) мулк эгаларининг алоҳидалашуви.
 - Д) юқоридагиларнинг барчаси.
2. Товар хўжалигини ифода этувчи жавобни аниқланг:
 - А) ўз шахсий эҳтиёжини қондириш мақсадида маҳмулот ишлаб чиқарувчи хўжалик.
 - Б) саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи хўжалик.
 - С) мукамал машиналашган хўжалик.
 - Д) сотиш мақсадида бозорга маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчи хўжалик
3. Пул деганда нимани тушунасиз?
 - А) олди-сотди воситаси.
 - Б) жамият бойлиги.
 - С) истеъмол қийматига эга бўлган товар.
 - Д) барча товарлар учун умумий эквивалентлик вазифасини бажарувчи махсус товар.
4. Пулнинг вазифаларидан қайси бири унинг муомаладан чиқарилишини тақозо қилади?
 - А) бойлик тўплаш воситаси.
 - Б) жаҳон пули.
 - С) қиймат ўлчови.
 - Д) тўлов воситаси.
5. Пулнинг қайси вазифаси нархнинг шаклланиши билан боғлиқ?
 - А) жаҳон пули.
 - Б) тўлов воситаси.
 - С) муомала воситаси.
 - Д) жамғариш воситаси.

Мавзга доир кўргазмали қўлланма:

Ижтимоий хўжалик – инсоният жамияти тараққиётининг алоҳида узок даврлари давомида ишлаб чиқаришнинг мақсадини анча тўлиқ ифодалаб қоладиган, барқарор умумий белгиларга эга бўлган ва ривожланишида маълум бир қонуниятларга асосланган хўжалик юритишнинг барқарор турларидир.

Ижтимоий хўжалик шакллари

Натурал хўжалик – бунда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз истеъмолини қондириш ва ички эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилади.

Товар хўжалиги – бунда маҳсулот бозор учун, айирбошлаш орқали ўтиб, бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқарилади.

Натурал хўжалик белгилари:

меҳнат тақсимооти етарлича ривожланмаган

ишлаб чиқариш биқик хусусиятга эга бўлиб, ишлаб чиқарувчиларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилган

Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўзаро мос келиб, бевосита хўжалик ичида бир-бири билан боғланган

меҳнат тор доирада ижтимоий характерга эга бўлган

ишчи кучининг ҳаракатчанлиги чекланган

Товар хўжалигининг белгилари:

ижтимоий меҳнат тақсимотининг мавжуд бўлиши

ишлаб чиқарувчиларнинг мулк эгаси сифатида бир-биридан алоҳидалашуви

маҳсулотларнинг бозор учун эркин айирбошлаш мақсадида ишлаб чиқарилиши

Ижтимоий меҳнат тақсимооти – бу меҳнатнинг бир туридан бошқа турларининг ажралиб чиқиши, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг бирон-бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашувидир.

Ишлаб чиқаришнинг алоҳидалашуви хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан юзага келади.

Товар – бу бирон бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсулидир.

Товарнинг хусусиятлари:

Алмашув қийматига эга – бу бир товар бошқасига муайян миқдорий нисбатларда айирбошланишида намоён бўлади.

Нафлиликка эга – бу товарларнинг кишиларнинг бирор-бир эҳтиёжини қондиришида кўринади.

Қиймат (айирбошлаш) шакллари ривожланиши

Оддий ёки тасодифий шакли
(1 болта = 1 қоп дон)

Тўла ёки кенгайган шакли
(1 болта = 1 қўй ёки 1 қоп дон ёки 1 кетмон)

(Умумий шакли
(1 болта ёки 1 қўй ёки 1 кетмон = 1 қоп дон)

Пул шакли
(болта ёки 1 қўй ёки 1 қоп дон = 1 унсия олтин)

Пул – ҳамма турдаги товар ва хизматларни айирбошлашда умумий эквивалент ролини бажарувчи махсус товардир. Қоғоз пуллар эса шу товар пулнинг вакилидир.

Пулнинг вазифалари

Қиймат ўлчови вазифаси – бунда товар (хизмат)нинг алмашув қиймати пул воситасида ҳисобланади ва баҳоланади. Шунингдек, иқтисодий ресурс сарф-харажатлари ва даромадларини ҳисоблашнинг ягона ўлчов бирлиги ҳам пулдир.

Муомала воситаси вазифаси – бунда пул товарлар муомаласи жараёнида воситачи сифатида майдонга чиқади.

Тўлов воситаси вазифаси – товарлар насияга тўлов муддати кечиктириб сотилганда ва турли хил тўлов мажбуриятлари амалга оширилганда пул бу вазифани бажаради

Жамғариш вазифаси – пул муомаладан чиқариб олинганда бу вазифани бажаради. Реал равишда олтин пул ва олтин буюмлар бойлик тўплаш вазифасини бажаради.

Жаҳон пули вазифаси – олтин пулга тегишли. Баъзи нуфузли валюталар ҳам идеал равишда бу вазифани бажариши мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси . “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 63-66 б.
6. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 63-79 б.
7. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 84-94 б.

Мавзу: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ

(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

Маъруза мақсади: Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиш қонуниятлари ҳақида тушунча бериш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда бозор иқтисодиётини шакллантириш, мазмуни ва асосий белгилари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш ҳамда бозорнинг турлари ва инфратузилмасини фарқлай олиш малакаларини шакллантириш.

Режа:

1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг асосий белгилари.
2. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари

3. Бозор тушунчаси ва бозорнинг вазифалари.

4. Бозорнинг турлари ва тузилиши.

Талаба мустақил иши:

1. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари.

2. Бозор хўжалигини ривожланишида инфратузилмани роли.

Асосий таянч тушунчалар:

Бозор – бу сотувчи билан сотиб оловчи ўртасидаги иқтисодий муносабатни амалга оширувчи восита майдони.

Бозор иқтисодиёти – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонуни-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

Бозор механизми - бозор иқтисодиёти фаолиятини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалар.

Бозорнинг афзалликлари – кишиларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлайди, талаб ва таклифни мувозанатга келтиради.

Бозорнинг вазифаси – ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчини товар ва хизматларни айирбош қилишида воситачилик қилади.

Эркин бозор – бозорда сотувчилар ва харидорлар сони жуда кўп бўлиб, улардан ҳеч бири ҳукмрон бўла олмайди.

Монополлашган бозор – бунда бозорда озчилик сотувчилар мавжуд бўлиб, улар ҳукмрон мавқега эга бўладилар.

Истеъмолчи бозори – истеъмол буюмлари олди-сотди қилинадиган махсус жой.

Ресурслар бозори – ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ашёлар сотиб оладиган жой.

Меҳнат бозори – иқтисодиёт соҳаларига ишчи кучини шартнома асосида ёллайдиган бозор.

Молия бозори – бу пул ва қимматбаҳо қоғозлар олди-сотди қилинадиган институтлар.

Бозор кўлами – бозордаги товарларнинг миқдори ва уларнинг нархини билдиради.

Маҳаллий бозор – кичик ҳудуддаги бозор бўлиб, унда сотувчилар ва харидорлар ўша жойда яшовчи кишилар.

Ҳудудий бозор – бу маҳаллий бозорлар мажмуидан ташкил топади, чегарадош ҳудудлар ичида амал қилади.

Миллий бозор – мамлакат ичкарасида амал қилади, унда маҳаллий ва ҳудуд аҳолиси қатнашиши мумкин.

Жаҳон бозори – дунё мамлакатлари иштирокида савдо-сотиқ бўйича иқтисодий алоқалар амалга оширилади.

Бозор объекти - бозорга, айирбош муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар.

Бозор субъекти – бозор айирбошлаш муносабатларининг қатнашувчилари.

Бозор инфратузилмаси - айирбошлаш муносабатларига хизмат килувчи муассасавий тузилмалар.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Бозор нима ва у қачон вужудга келган?
2. Бозор қандай вазифаларни бажаради?
3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат?
4. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг умумий томонлари ва фарқларини тушунтириб беринг.
5. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат?
6. Бозор иқтисодиётининг асосий иштирокчилари кимлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар қай тарзда кечади?
7. Бозор иқтисодиётининг таърифини беринг ва унинг асосий вазифаларини кўрсатинг.
8. Бозорни туркумлашда қадай мезонлар асос қилиб олинади?
9. Бозор инфратузилмаси нима? Унинг таркибий қисмлари ва асосий унсурларига таъриф беринг.

Тест саволлари:

1. Бозор иқтисодиётининг субъектлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) давлат.
Б) тадбиркорлар.
С) уй хўжаликлари.
Д) юқоридагиларнинг барчаси.
2. Бозор иқтисодиётининг муҳим белгиларини нималар ташкил қилади?
А) тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги.
Б) рақобатнинг мавжудлиги.
С) хусусий мулкчилик, давлатнинг чекланган роли.
Д) юқоридагиларнинг барчаси.
3. Бозор тушунчаси нимани англатади?
А) сотувчи билан харидор учрашадиган жой.
Б) бозор субъектларининг иқтисодий муносабатлари юзага чиқади.
С) талаб, таклиф, нарх ва рақобат асосида тартибга солинади.
Д) юқори дагиларнинг барчаси.
4. Молия бозорида нима сотилади?
А) интеллектуал бойликлар.
Б) қимматбаҳо қоғозлар ва пул.
С) ишчи кучи.
Д) ишлаб чиқариш ресурслари.
5. Меҳнат биржаси (ишчи кучи бозори) қандай вазифани бажаради?
А) ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифини ўрганади, воситачилик ролини бажаради.
Б) қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси билан шуғулланади.
С) ақлий меҳнат маҳсулларининг олди-сотдиси билан шуғулланади.
Д) юқоридагиларнинг барчаси.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:

Бозор иқтисодиёти – бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

Бозор механизми – бозор иқтисодиётининг табиати тақозо қиладиган, иқтисодий жараёнларни бошқариш ва уйғунлаштиришга қаратилган иқтисодий дастак ҳамда воситадир.

Бозор хўжалиги субъектлари

Уй хўжаликлари – иқтисодиётнинг истеъмолчилик соҳасини ташкил қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари ресурсларни етказиб берувчи ва ишлаб чиқарувчи ҳам ҳисобланади.

Корхона ёки тadbиркорлик сектори – иқтисодий ресурсларнинг истеъмолчиси, иқтисодиётнинг бирламчи бўғини ва товар (хизмат)ларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Давлат – иқтисодий ресурслар ва товарлар истеъмолчиси ҳамда ижтимоий истеъмол характеридаги неъматлар билан таъминловчи ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари

Хусусий мулк устуворлиги

Тadbиркорлик ва танлаш эркинлиги

Иқтисодий манфаатларнинг рағбатлантирилиши

Давлатнинг чекланган роли

Бозор иқтисодиётининг афзалликлари

Ресурсларни самарали тақсимлайди

Эркинликни таъминлайди

Иқтисодий фаолликни рағбатлантиради

Хўжасизлик ва исрофгарчиликка барҳам беради

Бозор иқтисодиётининг камчиликлари

Рақобатнинг кучсизланишига йўл қўяди (сабаби: корхоналарнинг қўшилиб кетиши, монопол тизимларнинг вужудга келиши, хуфёна келишув, шафқатсиз рақобат ва иқтисодиётда авлат аралашувчи кучайиши ҳамда техника тараққиёти натижасида)

Ижтимоий истеъмол туридаги товарлар билан таъминлаш лаёқатига эга эмас

Даромадлар тенгсизлигининг кучайишига ва аҳолининг мулкый табақаланишига олиб келади

Товарлар ҳажми ва пул массаси ўртасидаги рўй бериб турадиган номувофикликни бартараф эта олмайди

Қайта тикланмайдиган ресурсларни асраш, табиатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни таъминлашга лаёқатли эмас

Иш ҳақи билан нархлар даражаси муқобиллигини таъминлай олмайди

Тезда фойда келтирмайдиган ёки жамият ва келажак учун муҳим бўлган фундаментал тадқиқотлар олиб бориш имкониятини чеклайди

Бозор – бу ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан истеъмолчи (харидор)ни бири-бири билан боғлайдиган, айирбошлаш жараёнида хизмат қиладиган тартиблар, механизмлар ва муассасавий тузилмалардир.

Бозорнинг вазифалари

ишлаб чиқарувчи, ресурс эгалари ва истеъмолчиларни боғлаш асосида товарлар, хизматлар ҳамда иқтисодий ресурсларнинг айирбошланишини таъминлаш

ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришига ёрдам беради

Иқтисодий ресурсларни тармоқлар, соҳалар ва корхоналар ўртасида тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш

Иқтисодиётни тартибга солиб туриш

Бозорнинг туркумланиш мезонлари

1. Айирбошлашга чиқарилган олди-сотди объектининг турига кўра:
-Истеъмол товарлари ва хизматлари бозори (озик-овқат ва ноозик-овқат товарлари ҳамда хизматлар бозори);
-Ишлаб чиқариш омиллари бозори (ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар ҳамда ишчи кучи бозори);
-Кўчмас мулк бозори (ер ва уй-жой бозори);
-Молия бозори (қарз мажбуриятлари, капитал ва валюта бозори);
-Интеллектуал товарлари ва ноу хау бозори.

2. Рақобатнинг етуклик даражаси ёки бозор субъектларининг мавқеига кўра:
-Соф рақобатли бозор;
-Соф монополистик бозор;
-Монополистик рақобатли бозор;
-Олигополистик бозор.

3. Худудий қамров даражасига кўра:
-Маҳаллий бозорлар;
-Миллий бозорлар;
-Жаҳон бозори.

4. Савдо битимларини амалга оширилиш тартибига кўра:
-Чакана савдо бозорлари;
-Улгуржи савдо бозори.

5. Мулк шаклларига кўра:
-Давлат савдоси;
-Кооператив савдо;
-Деҳқон бозори.

6. Бозор алоқаларининг қонунийлик даражасига кўра:
-Қонуний амал қиладиган бозор;
-Хуфёна амал қиладиган бозор.

Бозор инфратузилмаси – бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишини таъминлашга хизмат кўрсатувчи муассасалар. Туркумланиши:

1. Ишлаб чиқариш типигаги муассасалар: омбор хўжалиги, сақлаш ва узатиш мосламалари, транспорт ҳамда алоқа хизмати

2. Айирбошланиш жараёнига хизмат кўрсатувчи муассасалар: тижорат дўконлари, савдо уйлари, супермаркетлар, савдо агентликлари, биржалар, аукционлар ва бошқа саво-сотик муассасалари

3. Молия кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар: кредит-банк муассасалари, суғурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари

- 4. Ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар: уй-жой ва коммунал хизмати идоралари, меҳат биржаси ва агентликлари
- 5. Ахборот хизмати идоралари: аудиторлик фирмалари, ҳукукий маслаҳатхоналари, ахборот агентликлари

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 28-33 б.
6. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёти назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 79-92 б.
7. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 88 б.

Мавзу: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

Маъруза мақсади: Бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари ва Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш миллий модели ҳақидаги талабалар билимини кенгайтириш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва хусусиятлари ва йўналишлари ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш ҳамда таҳлил қилиш ва таққослаш кўникмаларини шакллантириш.

Режа:

1. Ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари.
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ҳозирги босқичи ўзига хос хусусиятлари.
4. Республикада бозор ислохотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари.

Талаби мустақил иши:

1. 2010 йилда мамлакатимизда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Асосий таянч тушунчалар:

Ўтиш даври - бир иқтисодий тизимдан бошқасига, мавжуд иқтисодий муносабатлардан бутунлай бошқа, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тақозо қилинадиган давр.

Бозор ислохотлари - бозор иқтисодиётини ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодиётни эркинлаштириш - нима ва қанча ишлаб чиқаришни, уларни қаерга ва қандай баҳода сотишни тадбиркорнинг эркин танлаши.

Ислохотлар концепцияси - ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғояси.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш - танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жаҳон тажрибасида синалган асосий йўллари (моделлари)ни таърифлаб беринг.
2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга?
3. Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинади?
4. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш принципининг мазмунини батафсил тушунтиринг.


5. Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилади? Ҳар бир йўналиш бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдириш.
6. Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий ислоҳотлар ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?
7. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг етакчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.
8. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз?
9. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг. Республикада иқтисодиётни эркинлаштириш ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?
10. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг асосий устувор вазифаларини тушунтириб беринг.

Тест саволлари:


1. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишда нимага устунлик берилади?
А) истеъмолга.
Б) рақобатга.
С) четдан қарз олишга.
Д) иқтисодий эркинликни кенгайтиришга.
2. Бозор иқтисодиётига ўтишда ислоҳотлар қачон сезиларли самара беради?
А) миллий валюта муомалага киритилганда.
Б) чинакам мулкдорлар синфи шаклланганда.
С) ижтимоий ҳимоя тизими яратилганда.
Д) макроиқтисодий барқарорликка эришилганда.
3. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг қайси тамойили бозор муносабатларига ўтишнинг изчиллигини таъминлайди?
А) давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши.
Б) аҳолини ижтимоий ҳимоялашда.
С) бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.
Д) қонунларга асосланиш.
4. Аграр ислоҳотларнинг негизини нима ташкил қилади?
А) ерга мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш.
Б) қишлоқда бошқарув тизимини такомиллаштириш.
С) қишлоқ аҳолисини ижтимоий кафолатларини мустаҳкамлаш.
Д) ишсизликни бартараф этиш.
5. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бошқа МДҲ мамлакатлари йўлидан аввало нимаси билан фарқ қилади?
А) чет эл тажрибаларини ҳисобга олиш билан.
Б) ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаб олганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан.
С) маданий бозорга юз тутиши билан.
Д) миллий жиҳатларни эътиборга олиш билан.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:

Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари




Бир иқтисодий тизимдан бошқа иқтисодий тизимга ўтиш йўллари




“Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёклама бесўнақай ривожланишининг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади” (Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 101-102-бетлар)

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад




Ўзбекистонда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишда Президент И.А.Каримов томониданишлаб чиқилган бешта муҳим тамойил асос қилиб олинди.



Иқтисодий ислохотлар – бу иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари:



Макроиқтисодий барқарорлик – бу энг аввало, макроиқтисодиёт даражасида мувозанатликни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, пул қадрсизланишининг олдини олиш ҳамда тўлов балансини бир меъёрда сақлашга қаратилган сиёсатдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи

мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 24-27 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 69-70 б.
7. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 92-104 б.
8. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 254-270 б.
9. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 124-140 б.

Мавзу: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ

(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

Маъруза мақсади: Бозор иқтисодиётининг асосий механизмлари бўлган талаб ва таклиф, унинг қонунлари, талаб ва таклифнинг мувозанати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни назарий таҳлил қилиш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда талаб ва таклиф қонунларини амал қилиш механизмлари ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш ҳамда талаб ва таклиф графигини ҳосил қилиш, ялпи талаб ва ялпи таклифни ҳисоблаш кўникмаларини шакллантириш.

Режа:

1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир этувчи омиллар. Талаб қонуни
2. Таклиф тушунчаси. Таклиф миқдорига таъсир этувчи омиллар. Таклиф қонуни
3. Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши. Бозор мувозанати.
4. Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати назарияси.

Талаби мустақил иши:

1. Ишлаб чиқаришга талаб ва таклиф таъсири.

Асосий таянч тушунчалар:

Талаб – тўловга қодир бўлган эҳтиёж.

Индивидуал (якка) талаб – бу алоҳида шахснинг харид қилиш истаги ва имконияти.

Бозор талаби – маълум сондаги харидорларнинг у ёки бу товарни сотиб олишга бўлган иштиёқи.

Талабга таъсир этувчи омиллар – бу талаб ҳажмини ўзгаришига таъсир кўрсатувчи элемент.

Талаб қонуни – товарлар нархи билан унинг сотиб олинадиган миқдори ўртасидаги тескари ёки қарама-қарши боғлиқни ифодалайди.

Талабнинг эластиклиги – нархларнинг ўзгаришига нисбатан талаб миқдорининг ўзгариш даражасини билдиради.

Товарнинг нафлилиги – у ёки бу товарни истеъмол қилганда харидорнинг қониқиш ҳосил қилиши.

Таклиф – муайян нарх даражасида сотувчи (ишлаб чиқарувчи)нинг товарни бозорга чиқариш истаги ва имконияти.

Таклифга таъсир этувчи омиллар – ишлаб чиқарилган товарлар миқдорини ўзгаришига таъсир кўрсатувчи элементлар.

Таклиф қонуни – нарх билан сотишга чиқариладиган товарлар миқдори ўртасидаги бевосита ёки тўғридан-тўғри боғлиқликни ифодалайди.

Таклифнинг эластиклиги – бу нарх ўзгаришига нисбатан таклиф миқдорининг ўзгариш даражаси.

Даромад самараси – нарх пасайганда истеъмолчи пул даромадларининг сотиб олиш лаёқатининг ортиши.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Талаб ҳақида тушунча беринг.
2. Талабнинг қандай турлари бор ва уларнинг бир-биридан фарқи нимада?
3. Талабнинг миқдorigа қандай омиллар таъсир кўрсатади?
4. Талаб қонунини изоҳланг.
5. Талабнинг эластиклиги нималарга боғлиқ?
6. Таклиф ҳақида тушунча беринг.
7. Таклиф миқдorigа таъсир этувчи омилларни санаб кўрсатинг ва изоҳланг.
8. Таклиф эластиклиги деганда нимани тушунаси?
9. Таклиф қонунини тушунтиринг.
10. Бозор мувозанати деганда нимани тушунаси?
11. Бозор мувозанати бузилса қандай ҳолат юз беради?

Тест саволлари:

1. Маҳсулот нархи ва унинг сотиб олинадиган миқдори ўртасидаги тескари боғлиқлик қайси қонунга хос?

А) таклиф қонуни.

Б) эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни.

С) рақобат қонуни.

Д) талаб қонуни

2. Талаб ва таклиф эгри чизиқларининг кесишиш нуқтаси нимани кўрсатади?

А) талабнинг эгилувчанлигини.

Б) мувозанат нархини.

С) таклифнинг юксак даражасини.

Д) таклифнинг талабдан кўплигини.

3. Товар ва хизматларнинг нафлилиги нима?

А) фойдалилиги.

Б) баҳога эга бўлиши.

С) истеъмол хусусиятига эга бўлиши.

Д) эҳтиёжни қондириш лаёқати.

4. Қуйидагиларнинг қайси бири алоҳида товарлар таклифига ўз таъсирини кўрсатмайди?

- А) ресурсларнинг нархи.
- Б) истеъмолчилар сони.
- С) солиқ миқдорининг ўзгариши.
- Д) сотувчилар сони.

5. Талаб мазмуни қайси жавобда тўғри акс эттирилган?

- А) инсонларнинг кундалик эҳтиёжлари.
- Б) пул билан таъминланган эҳтиёж.
- С) эҳтиёжларни ўз вақтида қондирилиши.
- Д) қондирилиши зарур бўлган эҳтиёж.

Мавзуга доир қўлгазмали қўлланмалар:

Талаб – бу нархларнинг мавжуд даражасида сотиб олинadиган товар (хизмат)лар миқдоридир.

Талаб турлари:

→ **Индивидуал (ёки якка) талаб** – алоҳида шахс, оила ва бошқа субъектнинг товар (хизмат)ларнинг муаёян тўпламига бўлган талаби

→ **Бозор талаби** – алоҳида истеъмолчиларнинг талаблари йиғиндиси

Нарх даражаси ва сотиб олинadиган товарлар миқдори ўртасидаги тесқари ёки қарама-қарши боғлиқлик **талаб қонуни** дейилади.

Талабга таъсир этувчи омиллар:

→ Товарлар нархи

→ Истеъмолчи пул даромадлари

→ Истеъмолчи диди

→ Ўрнини босувчи товарлар нархи

→ Бозордаги истеъмолчилар сони

→ Нарх ва даромадлар ўзгаришининг кутилиши

→ Истеъмолчидан олинadиган солиқлар даражаси


Даромадлар ўзгариши билан талаб тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товарлар **олий тоифали товарлар** дейилади.

Даромадлар камайганда талаб ошадиган товарлар **паст тоифали товарлар** дейилади.

Таклиф – маълум вақт оралиғидаги нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар томонидан маълум турдаги товар ва хизматларнинг бозорга чиқарилган миқдори таклиф дейилади.

Нархнинг ўзгариши билан таклиф этилаётган товар миқдорининг тўғри боғлиқликдаги ўзгариши **таклиф қонуни** дейилади.

Таклифга таъсир этувчи омиллар:



Талаб миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат бир-бирига тенг бўлган ҳолат **бозор мувозанати** дейилади. Бозор мувозанати вужудга келган ҳолда шаклланган нарх **бозор нархи (мувозанатлашган нарх)** дейилади.

Талаб ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда, нархнинг 1% га ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич **талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи** дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб **талабнинг эгилувчанлиги** деб аталади.

Талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги даражаси куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E_t = \Delta Q / \Delta P$$

бу ерда ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши,

ΔP - нархларнинг фоизли ўзгариши.

Истеъмолчи даромадининг 1 %га ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич талабнинг даромад бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$E_T = \Delta Q / \Delta D$$

бу ерда ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши,
 ΔD - даромаднинг фоизли ўзгариши.

Таклиф ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда, нархнинг 1% га ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич **таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи** дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб **талабнинг эгилувчанлиги** деб аталади.

Таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E_{Tf} = \Delta Q / \Delta P$$

бу ерда ΔQ – таклиф миқдорининг фоизли ўзгариши,
 ΔP - нархларнинг фоизли ўзгариши.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси . “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009.

6. Шодмонов Ш., Гафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 104-119 б.
7. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 106-130 б.
8. Шодмонов Ш., Гафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Фан ва технология”, 2005.
9. Экономическая теория. Учебник. – Изд. испр. и доп. / Под общ.ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П. Журавлевой, Л.с. Тарасевича. - М.:ИНФРА-М, 2005.
- 10.Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 146-153 б.

Мавзу: РАҚОБАТ ВА НАРХНИНГ ШАКЛЛАНИШИ **(4 соат)**

Маъруза мақсади: Бозор шароитида рақобатнинг аҳамияти, турлари ва усуллари ҳамда нархни шаклланиши ҳақида яхлит тушунчалар ҳосил қилиш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда рақобат турлари ва усуллари фарқлай олиш, ўртача нархлардаги ҳисоблаш малакасини шакллантириш.

Режа:

1. Рақобатнинг моҳияти, шакллари ва усуллари.
2. Монополияларнинг иқтисодий асоси ва уларнинг турлари.
3. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келиши ва монополияга қарши қонунчилик.
4. Нархнинг мазмуни, вазифалари ва турлари.
5. Нархларни шаклланишига таъсир этувчи омиллар.

Талаба мустақил иши:

1. Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиши хусусиятлари.
2. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобат.

Асосий таянч тушунчалар:

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади.

Тармоқ ичидаги рақобат – ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида амал қилувчи кураш.

Тармоқлараро рақобат – турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган кураш.

Монополия – якка ҳукмронлик, бозорда вазият ва нархга таъсир кўрсатувчи йирик сотувчи.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ва фойда олишдаги якка ҳукмронлик ҳолати.

Олигополия – тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ҳукмронлик ҳолати.

Монополистик рақобат – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони кўп ҳамда улар ўртасида маълум даражада рақобат мавжуд бўлган, бироқ ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ўз товар ёки хизматининг алоҳида, махсус хусусиятлари мавжудлиги сабабли уларнинг нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги маълум даражада ҳукмронлик ҳолати.

Монопсония – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони жуда кўп бўлиб, улар товар ёки хизматларининг ягона истеъмолчиси ёки харидори мавжуд бўлган шароитдаги яқка ҳукмронлик ҳолати.

Табийий монополия – корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширувчи товар бозорининг ҳолати.

Картель – битта саноат тармоғидаги бир неча корхоналарининг уюшмаси бўлиб, унинг иштирокчилари ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларига ўз мулкий эгалигини сақлаб қолади, яратилган маҳсулотларни сотиш эса **квота**, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги ҳар бир иштирокчининг улуши, сотиш нархлари, бозорларнинг бўлиб олиниши бўйича келишув асосида амалга оширилади.

Синдикат – бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча корхоналарнинг бирлашмаси. Бунда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик бирлашма иштирокчиларининг ўзида сақланиб қолгани ҳолда, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот махсус ташкил этилган ягона сотиш ташкилоти орқали амалга оширилади.

Трест – ишлаб чиқариш воситалари ва тайёр маҳсулотга биргаликдаги мулкий эгаликни таъминловчи ишлаб чиқарувчиларнинг юридик шахс кўринишдаги бирлашмаси.

Консорциум – тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви (масалан, йирик миқёсли лойиҳаларга жуда катта миқдорда ва узоқ муддатли кредит бериш ёки инвестициялар қўйиш).

Концерн – расмий жиҳатдан мустақил бўлган, кўп тармоқли корхоналар (саноат, савдо, транспорт ва банк каби турли соҳа корхоналари)нинг мажмуини ўз ичига олувчи бирлашма.

Нарх – бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодасидир.

Улгуржи нарх – ишлаб чиқарувчилар томонидан товарлар катта партияларда бир йўла кўтарасига сотилганда қўлланиладиган нарх.

Чакана нарх – товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилганда қўлланувчи нарх.

Дотациялашган нарх – давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархдир.

Демпинг нарх – бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фойдаланувчи нарх.

Нуфузли нарх – аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами харид қиладиган товарларни сотишда қўлланувчи нарх.

Нарх диапазони – нархлар оралиғидаги фарқнинг пулдаги ифодасидир.

Эркин нарх – талаб ва таклиф таъсирида шаклланадиган бозор нархи.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Рақобатнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Рақобат шаклларига тушунча беринг ва уларнинг ҳар бирига мос белгиларини кўрсатинг.
3. Рақобатлашувнинг демпинг нархларни қўллаш усули қандай шароитларда амалга оширилади?
4. Монополия нима ва унинг вужудга келишининг иқтисодий асослари нималардан иборат?
5. Монополияларнинг қандай турлари мавжуд?
6. Капиталнинг тўплануви (тўпланиши) ва марказлашуви нима, улар ўртасида қандай фарқ бор?
7. Табиий, легал ва сунъий монополияларнинг бир-биридан фарқланиши изоҳланг.
8. Монополиянинг ижобий ва салбий томонлари нималарда намоён бўлади?
9. Рақобат муҳитининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
10. Монополияга қарши сиёсат ва монополияга қарши қонунчиликнинг моҳияти қандай?
11. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг вазифалари орқали тушунтириб беринг.
12. Нарх асосий турларини айтиб ва тушунтириб беринг.
13. Нархнинг ташкил топиши борасида қандай назариялар мавжуд?
14. Бу назарияларни афзаллик ва камчилик томонларини кўрсатиб беринг.
15. Нарх сиёсати нима? Ўзбекистонда нарх сиёсати амалга оширилишининг қандай хусусиятлари мавжуд?

Тест саволлари:

1. Рақобат - бу...
А) иқтисодий манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви.
Б) ҳамманинг ҳаммага қарши кураши.
С) бир томонлама манфаатнинг юзага чиқиши.
Д) иқтисодий эркинлик.
2. Рақобатнинг мавжуд бўлиш шартларини кўрсатинг.
А) тармоқда ишлаб чиқарувчиларнинг кўп бўлиши.
Б) иқтисодий алоқаларнинг ривожланган бўлиши.
С) кишиларнинг мулк эгалари сифатида алоҳидалашуви ва товар-пул муносабатларининг мавжуд бўлиши.
Д) товар-пул муносабатларининг мавжуд бўлиши.
3. Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатдан қандай мақсад кўзда тутилади?

А) иқтисодий ресурсларни арзон баҳода сотиб олиш, товарларни қулай шароитларда ишлаб чиқариш

Б) товарларни фойда келтирадиган юқори нархларда сотиш.

С) бозор ўз мавқеини сақлаб қолиш ва истеъмолчиларни ўзига оғдириб олиш.

Д) ҳар бир жавоб тўғри.

4. Нархларнинг қуйи ва юқори даражасини белгилаб қўйилиши нима деб аталади?

А) нарх миқдори.

Б) нарх даражаси.

С) нарх паритети.

Д) нарх диапазони.

5. Хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларда қайси нарх қўлланилади?

А) демпинг нарх.

Б) стандарт нарх.

С) шартнома ва келишилган нарх.

Д) эркин нарх.

6. Бозорни тартибга солувчи механизмлари қайси жавобда тўлиқ берилган?

А) нарх, рақобат, талаб, истеъмол.

Б) талаб, таклиф, нарх ва рақобат.

С) қиймат, баҳо, харажат ва талаб.

Д) баҳо, фойда, таклиф ва талаб.

7. Бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч нима?

А) нарх.

Б) талаб.

С) таклиф.

Д) рақобат.

8. Бозор иқтисодиётининг туб белгиларидан бири нархларнинг либераллашуви нимани англатади?

А) нархларни харидорларга қулай тарзда шакллантириш.

Б) нарх-навони эркин ташкил топиши.


С) нархларнинг давлат томонидан белгиланиши.

Д) бозор иқтисодиётига хос белги эмас.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади.


Рақобатнинг асосий вазифалари:



“Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди.

Рақобат бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир” (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 34-бет.

Рақобат шакллари:



“**Монополия**” атамаси грекча “monos” – ягона, битта ва “poleo” – сотаман” деган маънони билдиради.


Монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмаларидир.

Монополияларнинг келиб чиқиш сабаблари:


- Капиталнинг тўпланиши ва марказлашиши;
- Фан-техника тараққиёти;
- Давлатнинг айрим фаолият соҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- Ўзаро келишиш

Давлатнинг антимонопол сиёсати – монополиялар фаолиятини секлаш, тартибга солиш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришга қаратилади. Бу миёсат ўз ифодасини антимонопол қонунларда топади.

Нарх – реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодасидир.



Нархга таъсир қилувчи омиллар:



Нарх диапазони – турли нархлар оралиғининг пулдаги ифодаси.

Нарх паритети – нарх нисбати ҳам деб аталиб, у ўзаро боғлиқ бўлган бир-бирини юзага чиқарадиган нархларни билдиради.

Нарх турлари:

1. Иқтисодий мазмунига кўра:

- улгуржи нархлар
- чакана нархлар
- харид нархлари
- дотацион нархлар
- демпинг нархлар
- нуфузли нархлар
- Таърифлар

2. Тартибга солиниши даражасига кўра:

- қатъий белгиланган нархлар
- эркин нархлар
- тартибга солинадиган нархлар
- шартнома нархлари

3. Амал қилиш доираси (бозор кўлами)га кўра:

- худудий (минтақавий) нархлар
- миллий нархлар
- жаҳон нархлари

Давлатнинг нарх сиёсати – бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархларни эркинлаштириш ва миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси . “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010

йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа. Тошкент, 2010.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишанган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 28-33 б.
6. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 119-142 б.
7. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 187-232 б.
8. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 158-173 б.

**Мавзу: ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ. ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ
ВА УНИНГ АЙЛАНИШИ
КОРХОНА (ФИРМА) ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ. ИШ ҲАҚИ
(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)**

Маъруза мақсади: Тадбиркорлик, тадбиркорлик капитали ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги тушунча ва билимларни чуқурлаштириш.

Амалий машғулот мақсади: Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича тушунча ва билимларини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик капитали ҳаракат босқичларини аниқлаш ва фирманинг харажатлари ҳамда фойдасини ҳисоблаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Режа:

1. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг вазифалари ва ривожланиш шарт-шароитлари. Тадбиркорлик шакллари.
2. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракат босқичлари. Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал.
3. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркиби.
4. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариш тамойиллари.
5. Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси.
6. Иш ҳақи, унинг шакллари ва иш ҳақи даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Талаба мустақил иши:

1. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш.
2. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни, ташкил этиш шакллари ва тизимлари.

Асосий таянч тушунчалар:

Тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олишга ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолият.

Хиссдорлик жамияти - акциялар чиқариш орқали ишлаб чиқариш воситалари ва пул маблағ (капитал) ларини бирлаштирган уюшма.

Акция – бу унинг эгаси хиссдорлик жамияти капиталига ўзининг маълум хиссасини қўшганлиги ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш учун ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз.

Акция курси – қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг сотиладиган нархи.

Облигация – унинг эгасига қайд қилинган фоиз тўлаш шарти билан пул қўйилганлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Таъсисчилик фойдаси – сотилган акциялар ва хиссдорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ.

Дивиденд – акция эгаси ўзлаштирадиган даромад тури.

Тадбиркорлик капитали – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари.

Айланма капитал – унумли капиталнинг бир доиравий айланиш давомидаги ишлаб чиқариш жараёнида бир марта иштирок этиб, тўлиқ истеъмол қилинадиган, ўз қийматини яратилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган ва ашёвий буюм шаклини ҳам йўқотадиган қисми.

Асосий капитал – унумли капиталнинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида узоқ даврларда қатнашиб, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб ўтказиб борадиган қисми.

Ишлаб чиқариш харажатлари – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар.

Доимий харажат – ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайдиган, у ўзгарганда ҳам миқдорини ўзгартирмайдиган харажатлар.

Ўзгарувчи харажат – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этадиган харажатлар.

Ўртача харажатлар – маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар.

Қўшимча харажатлар – маҳсулотнинг навбатдаги қўшимча бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар.

Тўғри харажатлар – маҳсулот таннархига бевосита қўшилиб, унинг таркибига кирадиган харажатлар.

Эгри харажат – маҳсулот таннархига устама бўлиб, нархда акс этадиган харажатлар.

Иқтисодий ёки соф фойда – ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.

Фойда нормаси – фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Иш ҳақи – ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодаси.

Вақтбай иш ҳақи – ишчининг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобга олиниб, тўланадиган иш ҳақидир.

Ишбай иш ҳақи – ишлаб чиқарган маҳсулоти миқдорига ёки бажарган иши ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақи.

Реал иш ҳақи – номинал иш ҳақи суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори ёки номинал иш ҳақининг лаёқати.

Номинал иш ҳақи – пул шаклида олинган иш ҳақи суммаси.

Тариф тизими – ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи даражасини тармоқлар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб тартибга солиб турувчи меъёрлар тизими.

Тариф-малака маълумотномалари – айрим касблар ва меҳнат турларининг батафсил таърифи, ишчи ва мутахассисларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, турли тавсифдаги ишларни тарифлаш учун қўйиладиган разрядлар мажмуи.

Тариф сеткаси – турли разрядлар ва тариф коэффициентлари мажмуи бўлиб, улар биринчи разрядли ишчига ҳақ тўлаш билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзаро нисбатини кўрсатади (биринчи разряднинг тариф коэффициенти ҳамма вақт бирга тенг бўлади).

Тариф ставкалари – тегишли равишда белгилаб берилган турли разрядга эга бўлган ишчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори мажмуи.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Тадбиркорлик фаолиятига таъриф беринг.
2. Тадбиркорликнинг вазифаларини санаб беринг. Нима учун тадбиркор таҳлика (таваккалчилик) билан фаолият кўрсатади?
3. Тадбиркорликнинг ривожланиш шарт-шартоитлари нималардан иборат?
4. Тадбиркорликнинг шакллари ва уларнинг хусусиятларини кўрсатинг.
5. Тадбиркорлик капитали нима? Унинг тақрибий тузилиши қандай? Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида қандай босқичлардан ўтади ҳамда қандай шаклларга киради?
6. Унумли капитал асосий ва айланма капиталга қандай мезонлар бўйича ажратилади? Асосий ва айланма капиталга тавсиф беринг.
7. Амортизациянинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат? Унинг нормаси қандай аниқланади?
8. Ишлаб чиқариш сарф—харажатларининг моҳияти ва таркибини тушунтиринг.
9. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборатлигини мисол орқали тушунтиринг.
10. Ўртача доимий, ўзгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
11. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтириб беринг.

12. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқи нимада? Ялпи фойданинг тақсимланиш тартибини тушунтириб беринг.
13. Фойда массасига таъсир кўрсатувчи омилларни изоҳлаб беринг.
14. Иш ҳақи билан зарурий маҳсулот ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
15. Реал иш ҳақи даражаси қандай омиллар таъсири остида ўзгаради?
16. Тариф тизими ўз ичига қандай таркибий қисмларни олади? Уларнинг ҳар бирининг аҳамияти ва фарқланишини тушунтириб беринг.

Тест саволлари:

1. Корхонанинг фойдаси қандай аниқланади?
А) маҳсулотни сотишдан олинган ялпи пул тушумларидан ялпи харажатлар чегириб ташланади.
Б) даромаддан муомала харажатлари чегирилади.
С) даромаддан ишлаб чиқариш харажатлари чегирилади.
Д) ишлаб чиқариш харажатларидан хомашё харажатлари чегирилади.
2. Ишлаб чиқариш харажатларининг таърифи қайси жавобда тўғри берилган?
А) фирма томонидан маълум бир вақт ичида товар ишлаб чиқаришга сарфланган маблағ.
Б) фирманинг иқтисодий ресурслар учун қилган сарфи.
С) фирманинг жалб қилинган маблағлари.
Д) маҳсулотни сотиш учун қилинган сарфлар.
3. Ўртача харажат қандай аниқланади?
А) доимий ва ўзгарувчан харажатлар қўшилади.
Б) ички ва ташқи харажатлар қўшилади.
С) барча харажатлар жамланиб, уларнинг ўртачаси олинади.
Д) умумий харажатлар маҳсулот бирлиги миқдорига бўлинади.
4. Тадбиркорлик капитали қандай шаклда бўлади?
А) пул ва унга тенглаштирилган қимматли қоғозлар шаклида.
Б) унумли капитал шаклида, товар капитали шаклида.
С) янги техника ва технология ишланмалари шаклида.
Д) ҳар бир жавоб тўғри.
5. Тадбиркорлик деганда нимани тушунилади?
А) қонунга хилоф бўлмаган фаолият юритиш.
Б) моддий ва пул маблағларини ҳаракатга солиш
С) банкка пул қўйиб, даромад олиш.
Д) амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иш юритиш, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, кишиларга наф келтириш ва даромад топиш
6. Асосий капитал айланма капиталдан нимаси билан фарқ қилади?
А) ўз қийматини маҳсулотга кўчирмайди
Б) қайта тикланмайди.
С) ўз қийматини маҳсулотга тўлиқ ўтказида.
Д) ўз қийматини маҳсулотга қисман ўтказиб боради ва узоқ муддатли хизмат қилади.
6. Тадбиркорларга ихчам, замонавий технологияларни етказиб беришда қайси тизим катта аҳамият касб этади?

- А) лизинг.
- Б) консалтинг.
- С) аудиторлик.
- Д) солиқ тизими.

7. Муомала харажатларига қайси бир харажатлар мансуб?


- А) ишлаб чиқаришни самарали юритиш билан боғлиқ харажатлар.
- Б) ишлаб чиқарилган товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар.
- С) молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар.
- Д) ресурсларни сотиб олиш харажатлари.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:

“Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) – юридик ва жисмоний шахслар томонидан мулкӣ маъсулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, даромад (фойда) олиш мақсадида, таҳлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир” (Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида.

Тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг вазифалари:



Тадбиркорлик турлари:



Корхона (фирма) – иқтисодий фаолиятни ташкил қилишнинг асосий ижтимоий-иқтисодий шакли, миллий иқтисодиётнинг шакли, миллий иқтисодиётнинг бирламчи бўғини ва товарлар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) бўйича тадбиркорлик фаолияти субъекти.

Акция – бу унинг эгаси ҳиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлиги ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳукуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир.

Акция ўз эгасига корхонани бошқаришда қатнашиш ва жамият тугатилганда унинг мулкига шекриклик ҳукуқини ҳам беради.

Акциянинг номинал қиймати – акцияда ифодаланган пул суммасидир, акция курси унинг қимматли қоғозлар бозорида сотиладиган баҳосидир.

Акция курси – дивиденд миқдорининг (D) банк фоизи ставкасига (ch) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Акция курси} = D / ch \times 100$$

Облигация - унинг эгаси акционерлик жамиятга доимий фоиз шаклида даромад олиш шакрти билан пул қўйганлигидан гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир.

Таъсисчилик фойдаси – акционерлик жамиятларини таъсис этувчилар ўзлаштирадиган даромад шакли бўлиб, у сотилган акциялар суммаси ва жамиятга ҳақиқатда қўйилган маблағ миқдори ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағлар, моддий ресурслар ва товарлар биргаликда **тадбиркорлик капитали** дейилади.

Тадбиркорлик капиталининг доиравий айланиши

$$П \rightarrow T \begin{cases} \nearrow I_e \\ \searrow I_k \end{cases} \dots I \dots T' - П' \quad (2)$$

Айланиш хусусиятига кўра унумли истеъмодаги капитал асосий ва айланма капиталга бўлинади

Асосий капитал – ишлаб чиқариш жараёнида бир нечта доиравий айланишлар давомида қатнашади, қийматини яратилаётган маҳсулотга бўлиб-бўлиб ўтказади ва ашёвий буюм шаклини ўзгартирмайди.


Айланма капитал – бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилинади, қийматини ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтказади ва ашёвий буюм шаклини ҳам йўқотади.

Иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириш учун муайян иқтисодий ресурс сарф-харажатлари тақозо қилинади. Улар **иқтисодий харажатлар** дейилади.


Ишлаб чиқариш харажатлари деганда товар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган барча сарфлар тушунилади. Ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси **маҳсулот таннархини** ташкил қилади.


Муомала харажатлари тушунчаси товарларни сотиш жараёни (товарларни ўраш, қадоқлаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш) билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқарувчидан олиб истеъмолчига етказилгунча кетадиган сарфларга айтилади.

Харажатларнинг намоён бўлиш соҳасига кўра туркумланиши



Харажатларнинг жалб этиш манбаига кўра туркумланиши






Корхоналарда товар ва хизматларни сотишдан олинган маблағлар уларнинг **пул тушумлари ёки пул даромадлари** дейилади.

Корхона, пул даромадларидан сарфланган барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми **фойда (иктисодий фойда)** деб юритилади.

$$\text{Фич} = \text{Н у} - \text{Т}$$

бу ерда Фич – ишлаб чиқарувчи фойдаси, Ну – маҳсулот улугржи нархи, Т – маҳсулот таннархи.





Корхона фойдасининг мутлоқ миқдори **фойда массасини** ташкил қилади. Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати ва унинг фоизда ифодаланиши фойда нормаси дейилади.

$$1) P' = (P / W) \times 100\%$$

бу ерда P' - фойда нормаси, P – фойда массаси, W – ишлаб чиқариш харажатлари,

$$2) P' = (P / K_{\text{аванс}}) \times 100\%$$

бу ерда P' - фойда нормаси, P – фойда массаси, $K_{\text{аванс}}$ (асосий капитал + айланма капитал) – корхона авансланган маблағлари ёки асосий ва айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати)



Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси . “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 44-48 б.
6. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёти назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009й, 142-175 б.
7. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 133-185 б.
8. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 180-223 б.

Мавзу: АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС

(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

Маъруза мақсади: Аграр соҳа ва унинг хусусиятлари, қишлоқ хўжалигида рента муносабатлари, агросаноат мажмуасини ривожлантириш ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда агробизнес ва аграр муносабатларга оид билимларни чуқурлаштириш, агросаноат мажмуаси соҳаларининг иштирокини фарқлаш, ҳосилдорликни ва ренталар турларини аниқлаш кўникмаларини шакллантириш.

Режа:

1. Аграр муносабатларнинг иқтисодий мазмуни. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари.
2. Рента муносабатлари.
3. Агросаноат интеграцияси ва унинг асосий кўринишлари.
4. Агробизнес ва унинг турлари.

Талаба мустақил иши:

1. Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг янги турларини вужудга келиши ва унинг моҳияти.

Асосий таянч тушунчалар:

Аграр муносабатлар — ерга эгалик қилиш, ўзлаштириш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини тақсимлаш билан боғлиқликда вужудга келадиган муносабатлар.

Ер рентаси - ер эгалигини иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализация қилиш)нинг шаклидир.

Рента муносабатлари — ердан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромадни тақсимлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқликда вужудга келадиган муносабатлар.

Дифференциал рента — ер участкаларининг унумдорлигидаги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента I — ерларнинг табиий унумдорлигидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента II — ерларнинг иқтисодий унумдорлигини ошириш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Абсолют рента — қишлоқ хўжалигида ерга бўлган хусусий мулкчилик монополияси натижасида вужудга келиб, яхши, ўртача ва ёмон ерлардан олинади.

Монопол рента — алоҳида табиий шароитга эга бўлиб, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинади.

Ундирма саноатда рента — фойдали қазилма конларининг жойлашиши (ер юзасига нисбатан) ва уларнинг бойлиги жиҳатдан фарқлар натижасида вужудга келади.

Агросаноат мажмуаси — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфратузилмаси — бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.

Ижтимоий инфратузилма — одамларнинг яшаши ва турмуш тарзининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.

Агросаноат интеграцияси — қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир.

Агробизнес – тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва унинг инфратузилмаси билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли.

Агрофирма – маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни пировард маҳсулот даражасигача қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхона.

Агросаноат бирлашмалари – бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бир неча хўжалик ҳамда корхоналарнинг бирлашмаси.

Агросаноат комбинатлари – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришгача барча технологик жараёнга хизмат қилувчи хўжалик ва корхоналарнинг маълум бир ҳудудида бирлашуви.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Аграр муносабатларнинг мазмуни, иқтисодий муносабатларда тутган ўрни ва хусусиятларини кўрсатиб беринг.
2. “Ерга эгалик” ва “ердан фойдаланиш” тушунчаларини изоҳланг.
3. Ер рентаси назарияларининг умумий томонлари ва туб фарқларини кўрсатиб беринг.
4. Ер рентасининг асл мазмунини тушунтиринг.
5. Дифференциал (I ва II) ва абсолют рентасининг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, манбалари ва тақсимланишини тушунтиринг.
6. Монопол рента нима?
7. Қазиб олувчи ва ундирма саноатда рента қандай ҳосил бўлади?
8. “Ижара ҳақи” ва “ер рентаси”нинг фарқларини изоҳланг.
9. Агробизнеснинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг ва унинг асосий турларига таъриф беринг.
10. Агросаноат мажмуаси ва агросаноат интеграцияси тушунчалари иқтисодий мазмунига ўз фикрингизни билдиринг.

Тест саволлари:

1. Ернинг табиий шароити ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш имконини берганда қандай рента ҳосил бўлади?
А) абсолют ер рентаси.
Б) монопол рента.
С) дифференциал рента I.
Д) дифференциал рента II.
2. Ерни ижарага беришдан даромад олинганда қандай рента ҳосил бўлади?
А) монопол рента.
Б) дифференциал рента.
С) абсолют рента.
Д) ундирма саноат рентаси.
3. Аграр муносабатлар қандай муносабатлар?
А) ер билан боғлиқ муносабатлар.
Б) ижара муносабатлари.
С) тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар.

Д) хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар.

4. Агросаноат мажмуасига кирмайдиган соҳа қайси бири?

А) қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи саноат тармоқлари.

Б) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи соҳа.

С) энергетика тармоқлари.

Д) қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси.

5. Фермер хўжалигига қайси таъриф мос келади?

А) йирик ишлаб чиқариш корхонаси.

Б) қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи майда товар ишлаб чиқарувчи юридик шахс.

С) чорвачилик билан шуғулланувчи корхона.

Д) техника ўсимликли етиштирувчи корхона.


Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:

“Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа, - деб таъкидлайди Президентимиз И.Каримов, - қишлоқда турмуш даражсини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг қўламли чоратadbирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тadbиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир” (Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 41-б.

Ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар **аграр муносабатлар** дейилади.

Рента муносабатлари – аграр муносабатларнинг негизини ташкил қилиб, у қишлоқ хўжалигида вужудга келтирилган қўшимча соф даромаднинг ер эгалари ва ундан фойдаланувчилар ўртасида тақсимланиши ва ўзлаштирилиши жараёнида вужудга келади.

Ер рентаси – бу ерга эгалик ҳуқуқининг иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилиш шаклидир. **Рента турлари:**



Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси . “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 41-44 б.
6. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 227-239 б.

Мавзу: МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ЎЛЧАМЛАРИ. ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ.

ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР.

(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

Маъруза мақсади: Миллий иқтисодий ва макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида умумий тушунчалар ҳосил қилиш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда макроиқтисодий кўрсаткичларни иқтисодий ривожланишдаги ўрни ҳақидаги тасаввурларини ойдинлаштириш, ЯММ, ЯИМ, СММ, МД кўрсаткичларини ҳисоблаш, таҳлиллаш ва таққослаш малака кўникмаларини шакллантириш.

Режа:

1. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари.
2. Миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари.
3. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
4. Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги.
5. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар.

Талаба мустақил иши:

1. Ялпи миллий маҳсулот (ЯИМ)ни ҳисоблаш усуллари.
2. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муаммолари.

Асосий таянч тушунчалар:

Макроиқтисодиёт – моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиёт.

Миллий ҳисоблар тизими – миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.

Соф миллий маҳсулот (СММ) – амортизация ажратмалари суммасига камайтирилган ЯИМ бўлиб, у таркибан миллий даромад ва эгри солиқлардан иборат бўлади.

Миллий даромад (МД) – янгидан вужудга келтирилган қиймат бўлиб, СММдан эгри солиқларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.

Шахсий даромад – миллий даромаддан ижтимоий суғурта ажартмалари, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдасини чиқариб ташлаш ҳамда аҳоли қўлига келиб тушадиган ижтимоий тўловлар суммасини қўшиш йўли билан аниқланади.

Номинал ЯИМ – жорий нархларда ҳисобланган ЯИМ.

Реал ЯИМ – нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, ўзгармас ёки қиёсий нархларда ҳисобланган ЯИМ.

Қўшилган қиймат – ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан сотиб олинган ва унумли истеъмол қилинган хом ашё ва материаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

Оралик маҳсулот – ишлов бериш, қайта ишлаш ва қайта сотиш мақсадларида сотиб олинган маҳсулотлар.

Пировард маҳсулот – ишлаб чиқариш жараёни, якунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.

Хуфёна иқтисодиёт – ЯИМни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий иқтисодиётдан яширилган қисми.

Истеъмол – жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижаларидан ва ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи)дан фойдаланиш жараёни.

Шахсий истеъмол – истеъмолчилик тавсифидаги неъматлар ва хизматларидан фойдаланишини, яъни уларнинг индивидуал тарздаги истеъмоли.

Унумли истеъмол – ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланиш.

Истеъмол сарфлари – аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

Жамғариш – аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фоиизли даромад олиш мақсадида тўпланиб борилиши.

Истеъмолга ўртача мойиллик – шахсий даромаднинг истеъмолга кетадиган улуши.

Жамғаришга ўртача мойиллик – шахсий даромаднинг жамғаришга кетадиган улуши.

Иқтисодий жамғариш - миллий даромаднинг бир қисмидан асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёж ва захираларини қўпайтириш учун фойдаланиш.

Жамғариш нормаси – жамғариш суммасининг миллий даромадга нисбатининг фоииздаги ифодаси.

Инвестиция – ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капиталга пул шаклидаги кўйилма.

Инвестициялар самарадорлиги – миллий даромад (фойда) ўсган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси нимани ифодалайди? Унинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?
2. Макроиқтисодий кўрсаткичлар нималар ва улар миллий иқтисодиётда қандай рол ўйнайди?
3. ЯИМ ва СММ бир-биридан нима билан фарқланади? СММ ва миллий даромад-чи?
4. ЯИМ қандай усулларда ҳисобланади? Уларнинг фарқи нимадан иборат?
5. Номинал ва реал ЯИМ тушунчаларини изоҳланг. Уларнинг фарқини кўрсатинг.
6. Истеъмол, жамғарма ва инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини қисқача таърифланг.
7. Жамғариш нормаси қандай аниқланади? Унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
8. Инвестицияларга сарфларнинг даражасини қандай омиллар белгилаб беради?

Тест саволлари:

1. Инвестиция - бу...
А) сармоя киритиш.
Б) кредит бериш.
С) иш кучини сотиб олиш.
Д) бошқариш.
2. Макроиқтисодий кўрсаткичлар қайси қаторда тўғри берилган?
А) ЯИМ, ЯММ, соф миллий маҳсулот, ишсизлик, инфляция, бандлик, миллий даромад.
Б) фойда, харажат, рента, фоиз.
С) даромад, истеъмол, харажат.
Д) ишлаб чиқариш, тақсимот, истеъмол.
3. Макроиқтисодиёт тушунчаси нимадан иборат?
А) йирик корхоналар иқтисодиёти.
Б) миллий хўжаликларнинг ташкил топиши.
С) миллий даромаддан.
Д) муайян мамлакат миқёсидаги моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалар мажмуасидан иборат.
4. ЯММ (ялпи миллий маҳсулот) дан амортизация қиймати айириб ташланса, қайси кўрсаткич ҳосил бўлади?
А) ялпи ички маҳсулот.
Б) жами ижтимоий маҳсулот.
С) соф миллий маҳсулот

Д) миллий даромад.

5. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) мазмунини қайси жавоб тўғри ифодалайди?

А) маълум вақт давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилишга тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.


Б) миллий хўжаликларда маълум вақт давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилишга тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.

С) жорий нархларда ҳисобланган миллий маҳсулот.

Д) қатор йиллар давомида яратилган миллий маҳсулот.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:



Миллий иқтисодиёт – барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макродаражадаги иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир.



Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.

Макроиқтисодий таҳлилнинг мақсади - такрор ишлаб чиқариш жараёнини объектив равишда акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш асосида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида вужудга келган ҳолатларни очиқ беришдан иборат.

Миллий иқтисодиётнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари:



Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – бу ўз мамлакати ёки хорижда жойлашувидан қатъий назар, миллий корхоналар томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмининг жами қийматидир.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бу маълум вақт давомида, масалан, бир йилда яратилган ва бевосита истеъмолчиларна бориб етадиган барча тайёр маҳсулот ва кўсратилган хизматларнинг бозор нархидаги қийматидир.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – бу ўз мамлакати ёки хорижда жойлашувидан қатъий назар, бу маълум вақт давомида, яъни бир йилда миллий корхоналар томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмининг жами қийматидир.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бу маълум вақт давомида, яъни бир йилда яратилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган барча тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг бозор нархидаги қийматидир.

ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айириб ташланса **соф миллий маҳсулот (СММ)** кўрсаткичи ҳосил бўлади:

$$\text{ЯИМ} - \text{амортизация йиллик суммаси} = \text{СММ}$$

СММдан эгри солиқлар чиқариб ташланса **миллий даромад (МД)** кўрсаткичи ҳосил бўлади:

$$\text{СММ} - \text{бизнесга эгри солиқлар} = \text{миллий даромад}$$

Истеъмол – жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни билдиради.

Унумли истеъмол – бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъмол қилинишини, яъни улардан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол – ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда истеъмол буюмларидан бевосита фойдаланилади.

Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромаларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб боришидир.

Жамғариш – миллий даромаднинг бир қисми асосий ва айланма капиталларини, шунингдек, эҳтиёт захираларини кўпайтириш учун сарфланишидир.

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш –

тараққийетимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишанган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 28-33 б.
6. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 244-276 б.

Мавзу: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИК **(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)**

Маъруза мақсади: Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, ўсишни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг омиллари, миллий бойлик ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш.

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, иқтисодий ўсиши, миллий бойлик тушунчаларини фарқлай олиш ҳамда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Режа:

1. Иқтисодий ўсишнинг маъмуни, турлари ва кўрсаткичлари.
2. Иқтисодий ўсишнинг омиллари.
3. Иқтисодий ўсиш моделлари.
4. Миллий бойлик тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши.

Талаба мустақил иши:

1. Миллий бойликни кўпайтиришнинг асосий омиллари.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодий ўсиш - ЯИМ, СММ, МД микдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари - иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланадиган қиймат, ижтимоий нафлилик ва натурал кўрсаткич тизимидан иборат.

Экстенсив иқтисодий ўсиш - ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.

Интенсив иқтисодий ўсиш - ишлаб чиқариш омилларининг мавжуд даражасида, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.

Иқтисодий ўсиш омиллари - иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлган ва уни аниқлаб берувчи талаб, таклиф ва тақсимлаш омилларини билдиради.

Миллий бойлик – инсоният жамияти тараққиёти аجدодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат инъомларининг йиғиндиси.

Моддий-буюмлашган бойлик - миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий буюм кўринишига эга бўлган қисми.

Табиий бойлик - миллий бойликнинг табиат инъомларидан иборат бўлган, фойдаланишга жалб қилинган, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиладиган қисми.

Маънавий бойлик - ашёвий-буюм кўринишига эга бўлмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Иқтисодий тараққиёт, иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш тушунчаларини таърифланг ҳамда уларнинг умумий томонлари ва фарқларини тушунтиринг.
2. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари қандай аниқланади?
3. Нима учун реал ҳаётда соф экстенсив ёки соф интенсив иқтисодий ўсиш турлари учрамайди?
4. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига, аҳолисининг турмуш даражасига ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига баҳо беришда иқтисодий ўсишнинг қандай кўрсаткичларидан фойдаланилади?
5. Миллий бойлик тушунчасининг таърифини беринг ва таркибий тузилишини тушунтиринг.
6. Миллий бойлик таркибида моддий-буюмлашган бойлик қандай ўринга эга ва у қандай таркибий қисмларни ўз ичига олади?
7. Нима учун ер, сув каби табиий бойликларни қиймат ўлчовида баҳолаб, миллий бойлик таркибига киритиш мумкин эмас?
8. Маданий, тарихий обидалар ва архитектура ёдгорликларининг миллий бойлик таркибида акс этишини қандай изоҳлайсиз?

Тест саволлари:

1. Иқтисодий ўсиш омилларига қайси бири хос эмас?
А) ишчи кучи миграцияси.
Б) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати.
С) меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати.
Д) моддий капиталнинг миқдори ва сифати.
2. Қуйидаги омиллардан қайси бири экстенсив ўсишга мансуб?
А) фан-техника ютуқларининг жорий қилиниши.

- Б) меҳнатни жалб этишни такомиллаштириш.
С) маҳсулотнинг сифатини яхшилаш.
Д) капитал қўйилмаларни кўпайтириш ва ишлаб чиқаришнинг шу асосда миқдоран ўсиши.
3. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясининг қайси оқимида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ва иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий воситаси пул деб ҳисобланади?
А) кейнсчилик.
Б) монетаризм.
С) маржинализм.
Д) меркантилизм.
4. 2010 йил якунлари бўйича республикамиз ЯИМ ўсиши неча фоизни ташкил қилди?
А) 9 фоиз.
Б) 8,5 фоиз.
С) 8,1 фоиз.
Д) 8,3 фоиз.
5. Протекционизм қандай чора-тадбирларни амалга оширади?
А) мамлакатга чет товарлар кириб келишига қарши чора-тадбирлар.
Б) импортга кенг йўл очиб бериш.
С) бож тўловларини бекор қилиш.
Д) очиқ ҳудуд сиёсатини юритиш.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишнинг турлари:

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асосий сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади.

Интенсив иқтисодий ўсишга маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, яъни илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади.

Миллий бойлик – инсоният жамияти тараққиёти давомида аجدодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал ҳамда табиий бойликлардан иборатдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси . “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 28-41 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
7. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 223-237 б.
8. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 289-294 б.
9. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 281-286 б.

***Мавзу: МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НИСБАТЛАРИ,
МУВОЗАНАТИ ВА ЦИКЛИ РИВОЖЛАНИШ ТАВСИФИ
ЯЛПИ ИШЧИ КУЧИ, УНИНГ БАНДЛИГИ ВА ИШСИЗЛИК
(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)***

Маъруза мақсади: Миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлашда унинг нисбатлари ва мувозанати ҳақида тасаввурларини шакллантириш, иқтисодиётни цикли ривожланиши ҳақида турли концепциялар билан таништириш, бандлик ва ишсизлик муаммолари ҳақида тушунчалар бериш.

Амалий машғулотнинг мақсади: Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари, мувозанати, циклли ривожланиши ҳақидаги концепцияларни таҳлил қила олиш, ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклифни аниқлаш ҳамда ишсизлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблай олиш кўникмаларини шакллантириш.

Режа:

1. Макроиқтисодий мутаносибликлар ва уларнинг турлари.
2. Макроиқтисодий мувозанатликка эришишнинг бозор механизми.
3. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодий цикл назариялари.
4. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ва унинг хусусиятлари.
5. Ишчи кучи бозори. Ишчи кучи ялпи талаби ва ялпи таклифи нисбати.
6. Ишсизлик ва унинг турлари. Ишсизлик даражасини аниқлаш.

Талаба мустақил иши:

1. Таркибий инқирозлар. Аграр инқирозлар ва унинг хусусиятлари.
2. Ўзбекистонда бандлик муаммоси ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш.

Асосий таянч тушунчалари:

Иқтисодий мувозанат - иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига мос келиши ҳолати.

Хусусий мувозанатлик – бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдорининг тенг келиши.

Умумий мувозанатлик - жамият эҳтиёжлари билан мавжуд иқтисодий ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро мос келиши.

Рецессион фарқ - ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан кам бўлган миқдори.

Инфляцион фарқ - ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори.

Мультипликатор самараси – бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришларнинг ялпи сарфлардаги ўзгаришларга нисбати.

Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат ўлчамларининг мос келишлик даражаси.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш - инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш.

Ишсизлик - меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.

Фрикцион ишсизлик – малакасига мос иш қидираётганлар.

Таркибий ишсизлик - ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган ишсизлик.

Цикллик ишсизлик - иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.

Ишсизлик даражаси - ишсизларнинг ишчи кучи таркибидаги фоизли нисбати.

Оукен қонуни – ишсизлик даражаси ва ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатнинг математик ифодаси.

Назорат саволлари ва топшириқлари:


1. Макроиктисодий барқарорлик нима? Унга эришиш йўллари қандай? Иқтисодий инқирозлар моҳияти нимада ифодаланади?
2. Иқтисодий циклнинг таърифини беринг ва унинг ҳар бир фазасининг ўзига хос белгиларини кўрсатинг.
3. Таркибий инқирозларнинг моҳиятини тушунтиринг. Циклли тебранишлар вужудга келишининг сабабларини кўрсатинг.
4. Аграр инқирозларининг хусусиятларини баён қилинг.
5. Иқтисодий цикл асосий турларига тавсиф беринг ва муҳим белгиларини кўрсатинг.
6. Иқтисодий циклнинг оқибатларини баҳоланг.

Тест саволлари:


1. Цикл нима?
А) кризисларнинг узоқ вақт давом этиши.
Б) бир кризисдан иккинчи кризис бошлангунча бўлган давр.
С) турғунлик даври.
Д) юксалиш даври.
2. Бугунги кунда жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқирознинг бошланишига қайси кредит турининг оммавий берилганлиги (АҚШда) сабаб бўлди?
А) ипотека кредити.
Б) истемол кредити.
С) тижорат кредити.
Д) лизинг.
3. Иқтисодий инқирозларнинг асосий сабабини топинг?
А) такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик ва номутаносибликларнинг мавжуд бўлиши.
Б) истеъмолчи пул даромадларининг етарли бўлмаслиги.
С) ишлаб чиқаришнинг суст ривожланиши.
Д) талабнинг таклиф миқдоридан орқада қолиши.
4. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили Президент И.Каримовнинг қайси китобида биринчи марта тўлиқ баён этилган?
А) “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”.
Б) “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”.
С) “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”.
Д) “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”.
5. Рecessия нима?
А) инқироз.
Б) юксалиш ва гуркираб ўсиш.
С) инқироз ва турғунлик.
Д) гуркираб ўсиш.

Мавзуга доир кўргазмали қўлланмалар:

Иқтисодий мутаносиблик (нисбатлар) – иқтисодиётнинг турли томонлари ва оҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик бўлишидир.



Иқтисодий мувозанат деб иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келган ҳолатига айтилади.



Иқтисодиётнинг цикли ривожланиши деб вақти-вақти билан объекти қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида узилишлар пайдо бўлиши ва уларнинг иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлиши ҳолатига айтилади.

Иқтисодий цикл деганда, иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин-кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади.



Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 11-24 б.
6. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 237-263 б.
7. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2006, 301-312 б.
8. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Молия”, 2002, 292-319 б.

Мавзу: МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ. ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИ. БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ РОЛИ

(Маъруза - 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

Маъруза мақсади: Тингловчиларда молиявий сиёсат, молия тизими, пул-кредит механизми, банклар ва банк фаолияти тўғрисида тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиш.

Амалий машғулот мақсади: Молия, пул-кредит сиёсати ва тизимлари ҳақида билим ва тушунчаларни аниқлаштириш, давлат бюджетини даромадлари ва харажатларини, бюджет тақчиллигини, профицитини,

солиқларни банклар орқали бюджетга ўтказиш механизмини, пул массаси ва уни айланиш тезлигини аниқлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

Режа:

1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими.
2. Солиқ тизими ва унинг вазифалари.
3. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари.
4. Кредитнинг моҳияти, манбалари ва вазифалари.

Талаба мустақил иши:

1. Банк тизими. Марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари.
2. Ўзбекистонда банклар ва уларнинг иқтисодиётдаги ўрни.

Асосий таянч тушунчалар

Молия – пул фондларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатлар.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар.

Давлат бюджети – давлат харажатлари ва уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштириш режаси.

Бюджет тақчиллиги – бюджет харажатларининг даромадлар қисмидан ортиқча бўлиши натижасида вужудга келган фарқ.

Пул муомаласи – товарлар айланишига ҳамда нотовар характеридаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган молиявий активларнинг ҳаракати.

Пул тизими – тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш шакли.

Инфляция – қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.

Кредит – буш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.

Фоиз нормаси (ставкаси) – фоиз ёки фоизни даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши.

Банклар – кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредит тизимининг негизини ташкил қилувчи махсус муассасалар.

Банк операциялари – маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.

Банк фойдаси – олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ.

Банк фойда нормаси – банк соф фойдасининг унинг ўз капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Лаффер эгри чизиғи – давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирланиши.

Лизинг – кредитнинг пулсиз шакли бўлиб, одатда ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни кейинчалик фойдаланувчилар томонидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб бориб, сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага беришдан иборат.

Факторинг – бошқа иқтисодий субъектларнинг қарздорлик бўйича мажбуриятларини сотиб олиш ёки қайта сотиш муносабатлари.

